

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 88-89 (6928-6929)  
1998 йил 10 ноябрь, сешанба

Сотувда эркин  
нархда

Ассалому алайкум, «Тонг юлдузи» ходимлари! Мен сизлар билан мактуб орқали жуда кўп марта учрашганман. Сизларга мактабимизда обуна қандай бораётгани ҳақида ёзмоқчиман. Бизнинг мактаб ўқувчилари биринчилар қатори ўз га-

## ЭНГ ЕРКИН ЮЛДУЗ

Обуна-99

зеталарига обуна бўлдилар. Буни ўқитувчимиз Робия опа Шарипова ва кутубхоначимиз Хонзода опалар жуда уюшқоқлик билан ташкиллаб бердилар. Менинг ойимлар матбуот тарқатиш шаҳобчасида ишлайдилар. Обуна

бошланди, дегандан дарров «Тонг юлдузи»га обуна бўлиб кўядилар. Чунки бу газетани биргина мен эмас, балки оиламизнинг барча аъзолари ҳам қизиқиб, севиб ўқишади-да! Ҳамма тенгдошларимга ҳам ўз газета-

си «Тонг юлдузи»ни ўқишни маслаҳат бераман.

Нархи қиммат эмас. Ҳар бир синфда айтайлик, 30 нафар ўқувчи бор. 10 ўқувчи пул йиғиб 3 ойга, кейинги 3 ойга яна бошқа 10 ўқувчи ундан кейинги 3 ойга

яна 10 ўқувчи... Обуна бўлса йил бўйи газета ўқиш мумкин.

**Интилган, изланганларга калитдир у. Янгиликлар, яхшиликлар хазинасидир — «Тонг юлдузи»!**

Озодахон ХОЛОВА.  
Бухоро вилояти,  
Ғиждувон туманидаги  
С. Айний номи  
4-мактаб ўқувчиси.

## ЎЗАЛЛИК БИЛАН УЧРАШУВ

Салом, қадрдон газетам «ТОНГ ЮЛДУЗИ»! Сенга мактуб битишимдан мақсад яқинда лицейимизда катта байрам тантанаси бўлиб ўтди. «Ёш қаламкашлар» деб аталган тантанамизда Халқ таълими вазири Жўра Фаниевич Йўлдошев ҳам иштирок этдилар. Севимли ижодкорларимиз Ўткир Ҳошимов, Икром Отамуродов, Сафар Барноевлар ҳам сўзга чиқдилар. Ўша куни лицейимизда «Нафосат» клуби очилди. Клубда турли хилдаги тарихий буюмлар, биз ёзган иншолар кўрғазмаси ҳам намоиш қилинди. Ёш қаламкашларга эсталик совғалари берилди.

**Хосият РАЖАБОВА,**  
Республика Нафис  
Санъати лицейининг  
10-«С» синф  
ўқувчиси.



Мана куз фасли ҳам етиб келди. Дарахтлар олтин рангга кирган, кушлар иссиқ мамлакатларга учиб кетмоқдалар. Ўзбекистонимизнинг фахри бўлган пахта терими қизгин паллада... Биз ҳам синфдошларимиз билан пахта теримига чиқаямиз. Оппоқ, лўппи-лўппи бўлиб

## ДЕҲҚОН ПАНЖАСИГА ЎХШАР ЧАНОҚЛАР

очилган пахталарни кўриб, ҳавасингиз келади. Илғор теримчи дугоналаримиздан бири Равшаной Акбарова барчанинг олқишини олмоқда. Элимиз ифтихори бўлган «Оқ олтин»ни

совуқ тушмасдан, неснобуд қилмасдан териб олмоқчимиз. Бу борада илғорларга тенглашсак, кунимиз мароқли, ишимиз баракали бўлади.

Сайёра ИКРОМОВА,  
Андижон туманидаги  
42-ўрта мактабнинг  
7-«Д» синф  
ўқувчиси.

## МЕНИНГ ГУЗАРИМ

Инсоннинг киндик қони тўкилган жой унинг Ватани ҳисобланади. Инсон уз Ватанини севади, унга ихлос қуйиб яшайди. «Она юртинг омон бўлса, рангу-руйинг сомон бўлмас», — деган нақлни ҳаммамиз яхши биламиз. Бизнинг қишлоғимиз ҳам кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Қишлоғимизнинг номи Храбек, гузаримизнинг номи эса «Гулистон». Гузаримизда мактаблар, касалхоналар, ҳатто завод ва фабрикалар ҳам бор. Бу иншоотларнинг барчаси аҳоли хизматида. Яқинда гузаримизда «Оила йили»га бағишланиб «Оилам бахтим менинг—гузарим фахрим менинг» маъзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Танловда «Кенгаш», «Ёшлик», «Гулистон» маҳаллалари иштирок этди. Намунали оилалар ўз баҳосини олиб, бошқаларга урناк қилиб курсатилди.

Гулнорахон  
ХУДОЙБЕРДИЕВА,  
Андижон  
туманидаги  
42-ўрта мактаб  
ўқувчиси.

## Фидойи онам

Кўзларидан нур  
ёғилган,  
Сўзларидан кўр  
ёғилган  
Бу менинг онам!

Биз учун ҳар ишга  
кодир,  
Бизлар учун жон  
бажодир,  
Бу менинг онам!

Оиламиз бойлиги ҳам,  
Меҳнаткаш, фидойи  
ҳам,  
Бу — менинг онам!

Минора ОБИДОВА,  
Тошкентдаги  
260- мактабнинг  
4-синф ўқувчиси

Гурур

## БУГУН СЕНИ ТАН ОЛДИ ЖАҲОН

Она тилим! Бу муқаддас икки сўз ҳар бир миллатнинг қалби.

Ўзбек тили — менинг Она тилим. Мен — ўзбек боласиман, фахрланаман. Тилимизга Давлат мақомининг берилиши жаҳон бўйлаб бемалол парвоз қилишимизга қанот бўлди. Биз энди жаҳоннинг барча мамлакатлари билан хоҳлаган соҳамизда алоқа қила оламиз.

Шу доно тил билан бугун биз миллатимиз тарихини урганишимиз, қадриятларимизни эъзозлашимиз, миллий мафкурамизни тиклашимиз.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам сен менинг доно тилимсан, Она тилим! Агар сен булмаганингда буюк боболарим Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, каби донишманд, бири жасорат билан, яна бири қалами билан дунёни лол қолдирган алломаларни қандоқ танирдим?.. Фақат сенинг ёрдаминг билангина уларнинг ҳаётини, ижодини урганишимиз. Соҳибқирон бобомнинг тузукларидан сабоқ оляпман.

Она тилим, мустабид тузум даврида сени йўқ қилмоққа уринишди. Ҳатто биз ўзбек болалари «рус тили — иккинчи она тилим» деб қушиқлар куйладик. Шукрлар булсинки, Истиқлол куёши порлади! Юртбо-

шимиз Ислон Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан Она-жон халқимиз ҳурликка эришди. Рус тили ҳам бошқа дўст, қардош халқларники каби чет тили эканини англаб етдик. Мана, бугун ўзбек тили деган гўзал тил борлигини, Ўзбекистон аталган азамат, гўзал юрт борлигини жаҳон куриб турибди.

Бугун мен ўзбек боласи булганимдан гурурланиб яшайман. Чунки хорижий халқ болалари ҳам менинг Она тилимни урганишяпти.

Бундан хаяжонланиб, Она тилимизга булган эътиқодимни, меҳр-муҳаббатимни ушбу сатрларимда ифодалайман:

*Она тилим — муқаддас тилим!*

*Момолардан қолган мероссан.*

*Сенда сўзлаб яйрайди дилим,*

*Жарангдорсан, ўзбекка хоссан.*

*Навоийни ўқидим Сенда, Тарихимдан сўзлади Курьон.*

*Она тилим, гурурсан менга,*

*Бугун Сени тан олди жаҳон.*

*Она тилим — муқаддас тилим!*

**Беҳзод ЖҲРАБОЕВ,  
Фарғона шаҳридаги  
иктисод ва ҳуқуқ  
гимназиясининг 11-синф  
ўқувчиси.**

«Ўз Она тилини муқаммал билмаган халқ,  
ўзганинг тилини қадрига етмайди».

Ислон КАРИМОВ

Биринчи мақолани ўқиб чиққан Гулноза Маърупова пойтахтимиздаги 28 — сон ўрта мактабнинг 4«а» — синфида ўқир экан.

**МЕНИНГ МИСОЛДАН  
БИБИР МИСОЛ**

У менга йўллаган мактубида шундай савол бериб: Саидмурод амаки сиз СССР пайтида Ўзбекистонимизда амалга оширилган қайси ишларни мақтай оласиз? — дебди.

Шўролар пайтида баъзан Ўзбекистонимизда яхши ишлар ҳам амалга оширилган. Улардан бири Ўрта Осиё бўйича биргина Тошкент шаҳрида бундан йигирма йил аввал ишга туширилган Тошкент метросини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Шахсан ўзим, ҳозирги кунда, Тошкент шаҳрини метросиз тасаввур қила олмайман. Ҳар сафар метрога тушганимда Ш. Рашидов кўз олдимда намоён бўлгандек бўлади.

Яна бир томони ўша пайтларда шўролар тузуми, чет эллар олдида ўзини кўрсатиш учун шундай яхши ишларни баъзан амалга ошириб турган бўлиши мумкин.

Яна мактубларга қайтадиган бўлсак, Гулноза билан бир синфда ўқийдиган Баҳром Шоанваров менга шун-

дай савол бериб: — Амаки сиз тилга олган ўша даврларда Ўзбекистонимиздаги ўқувчилар учун мактаблар етишармиди? — дебди. Шўро-

(Иккинчи мақола, биринчи мақола «Тонг юлдузи» нинг 2 август сонидан эълон қилинган эди)

лар даврида Ўзбекистонимизнинг нафақат катта-катта шаҳарларида, ҳатто қишлоқ жойларида ҳам мактаблар ўқувчилар учун етиб ортар эди. Аммо ўқитишлар бир тарафлама ўрис тили иккинчи она тили деб сингдирилди, ҳар қандай буюк тарихларимиз, буюк авлодларимиз ҳақида иложи борица бизларни четлатиб, мабодо юқори синф ўқувчиларидан бири кимдандир эшитган буюк инсонларимиз ҳақида ўқитувчига савол бергудек бўлса, ўз халқимизни ўзимизга қарашдан нарига ўтмайдиган ўқитувчиларимиз талайгина бўлган. Чунки ҳар қандай ўқитувчиларимиз ўша даврда шундай дейишга мажбур бўлган.

Ўзим олийгоҳда ўқиб юрган ўша даврларда, кўпинча домлаларимизга Амир Темур ҳақида гап очганимизда барча домлаларимиз Амир Темурни босқинчидан олиб, бос-

қинчига солар, у ҳақида оғиз очмасилигимизни қайта-қайта тайинлаб, сиёсат билан уйнашмасликка даъват этар эди.

Худого минг қатла шукроналар бўлсинки, мустақиллигимиздан сўнг Амир Темурдек буюк боболаримиз ким бўлиб ўтгани, нима ишлар қилганини бутун олам билиб, у кишига ҳавас қилмоқда.

Шўролар даврида тан олинмай, босмачи тамғаси босилган шундай буюк боболаримиз талайгина эканлигини сиз ёш авлод қатори бизлар ҳам мустақиллигимиз шарофати билан ўқиб урганмоқдамиз.

Энди бу борада сиз ўқувчи ёшларимизнинг олдингизда талайгина вазифалар турибди. Сиз ёшлар ўрта мактабни аъло баҳо-лар билан тугатиб, хоҳлаган институтларга кириб ўқиб, соҳангиз бўйича чет элларда бўлганингизда у ердаги музейларда, кутубхоналарда, ёдгорлик сақланадиган жойларда бўлсангиз, ажаб эмас юртимизга оид бирон бир нарсага кўзингиз тушиб, ҳали бизга маълум бўлмаган оламшумул ўтмишимиз ҳаётидаги бирон нарсани юзага чиқариб қолишингиз ҳам мумкин. Чунки ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Бунинг учун ҳаётга қизиқиш, ватанни ота-онадек севиш керак.

Шахсан ўзим, ҳозирги баъзи сизлар тенг болалардан бироз ранжийдиган томоним бор. У ҳам бўлса тўйларга борганда баъзи ёшларимизнинг атрофдагиларни ранжитиши. Ўзим кўп маротабалаб турли тўйларда уч-тўртта ёшларни бир бўлиб гугурт донига ўхшаган нарсани «пақ-пуқ» қилиб атрофдагиларнинг жигига тегиши. Шу «пақ-пуқ» тўфайли унлаб болаларнинг кўзлари кўр бўлиб қолганини гувоҳи бўлганман. Ҳатто ўшандай «пақ-пуқ» уйнайдиган болалардан бири янги ТошМИда оламдан ўтган эди.

Ахир катталар қачонгача ёшларни тартибга чақиритиши мумкин?

Сўзга кирмаган ёшларни нима қилиш керак? Ўшандай ўқувчи ёшларда қани ватанга бўлган муҳаббат? Бу борада ёшларимиз уйлаб кўриб, баъзи тенгқурларини ўзлари тартибга чақириб қўйсалар, ватанимизнинг янада гуллаб яшнаши учун ўз хиссаларини қўшган бўлур эдилар.

Ушбу иккинчи мақола юзасидан менга хат йўлловчилар бўлса, улар билан хат ёзишга тайёрлигимни яна бир бор эслатиб қўймоқчиман.

**Саидмурод  
САИДАҲМАД.**

## ЎЗБЕК ТИЛИМ — ЎЗ ТИЛИМ

Паркент туманидаги 35-ўрта мактаб тумандаги биргина рус мактаби бўлса-да, ундаги талаблар, барча ўқувчиларнинг формада эканлиги, уларнинг одоб билан ўзбек тилида салом беришлари бизни қувонтирди. Мактабда она тили ва адабиёти ўқитувчиси Зокирова Рашида опанинг ташаббуслари билан «Тил миллат равнақи» мавзусида тез-тез тадбирлар утказилади. Бунда барча синф ўқувчилари фаол қатнашадилар. Ҳатто шу кунни ўзбек тили кунини, деб белгиланади. Ўқувчилар шу кунни фақат ўзбек тилида гаплашадилар. Ўзбек тилида чи-

ройли ва равон гаплашаётган рус болаларини кўриб, ҳавасингиз келади. Бу ўқувчилар тадбирда ўқилган шеър, қушиқ ва эртакларни ҳам адашмай гапирдилар.

— Тил чиндан миллат равнақи, — дейди мактаб директори Квасова Наталья Федоровна. Мактабимизда ҳар хил кечалар қизиқарли ўтади. Буларда бевосита ўзимиз ҳам қатнашамиз. Ўқитувчилар, ота-оналар, ўқувчилар орасида турли беллашувлар, КВНлар утказиб турамыз. Утган ойда ўқитувчилар билан ўқувчилар беллашув утказдик. Ўқувчиларимизнинг яхши таълим-тарбия олишлари учун бизда барча ша-

рт-шароитлар бор. Бошланғич синфларга кирадиган баъзи ўқитувчиларимизга лотин графикасида ёзиш ва уни ўқишни ургатганмиз.

Буни мактаб илмий бўлим мудири Юлия Алимовна назорат қилиб туради. Мактабимиз рус мактаб бўлса-да, ўқувчи-



ларимиз ўзбек тилини яхши билишади. Бунга албатта ўзбек тили ўқитувчилари Насиба Собирова ва Рашида Зокироваларнинг хизматлари жуда катта. Чунки биз улардан ўқувчиларимизнинг ўзбек тилини муқаммал билишларини доимо талаб қиламиз. Ўзбек тилини ўқувчиларимизнинг ўзлари ҳам қизиқиш билан урганишади. Чунки убой тил. Ўқув хонаси ва кутубхона уларнинг хизматида.

Хуллас, бу мактабга келиб, хато қилмаганимизни тушундик. Биз бу мактабнинг барча ўқитувчиларига машаққатли ишларида муваффақият, ўқувчиларига аъло билим тиладик.

Озода ТУРСУНБОЕВА.



ли: тугилади, яшайди, улади, униб чиқади, умр куради, курийди. Фарқ шундаки, ёнгоқ умр буйи табиатдан ажралмай яшайди, охирида яна табиатга қушилиб кетади. Одам эса цивилизация (тараққиёт) туфайли тобора табиатдан узоқлашиб бораётир, баъзан табиатга угай куз билан қараётир. Бундай куз қараш (дунёқараш), афсуски, ёшликдан қон-қонимизга сингдирилади. Жамики тирик мавжудот табиатда тенг ҳуқуқли. Бор ҳақиқат шу. Биз бунни билишимиз керак. Шундагина тақдирга тан берамиз. Шундагина туйгула-

ортқон сувлари эмиш... Ҳар замон бу сув билан осмоннинг орасида шафақдек нима қип-қизил куринадур, яна бартараф буладур. Яқин боргунча бу ҳол эди, яқин борилгач маълум булдимки, тоғлон гоз экандур. Не ёлғиз бу қуш, ҳар қушдин беҳад бўлиб, сувнинг ёқасида қалин қушнинг юмurtқаси. Сув қиргогидин бу қушларнинг юмurtқаларини олғали келган икки афгон бизни қурган заҳоти узини сувга солди. Бир неча киши ярим қуруққа яқин бориб, келтурдилар».

Бобуржон 494 йил муқаддам учратган ажиб манзара-

### Хаёл чечаклари

огритур эди. Кажулқлигининг мирзо безор булди, охир қуйди (талогини берди) ва халос булди, не қилсин ҳақ мирзо томонида эди. Тангри ҳеч мусулмонга бу балони солмағай. Ёмон хуйлуқ, кажулқ хотин илоҳий оламда қолмағай», дейди. Яъни, Бадиуззамон мирзога хос булган айрим хусусиятлар кажулқ онасидан юққанини дуппининг остидаги имо-ишоралар билан эътироф этади.

Табиатни узгартириб бўлмади. Инсон табиатини ҳам

воқеини таҳрир этилғай... Уқигувчи маъзур тутсун, эшитгувчи таарруз мақомидин утсун».

— Маъқул.

Фақат буюк воқеалар эмас, оний туйгулар ҳам тарихда қолажак. Воқеалар вақт угай, уз қадр-қимматини, аҳамиятини йўқотиши мумкин, лекин ҳақиқий туйгуларнинг қадр-қиммати ҳеч қачон абас бўлмади.

Кеч куз келди. Ушбу ганимат дамларда боғларни сайр этиб қуринг: беихтиёр ажиб манзарага дуч келасиз — ёнгоқ аллақачон хазон булган япроқларини остига тўшаб, қиличини яланғочлаб келажак қаҳратонни бир хил бўлиб кутиб турибди. Ҳосили териб олинган, борини берган.

«Воҳ, яланг шохларим қиличдай кескир,

Бир япроқ қолмаптурси ширлайтурғон».

(Ш.Раҳмон).

Андоқким, агар наққошлар такаллуф билан муйқалам тортсалар, ёнгоқ сувратини онча торта олмағай эдилар.

Яп-яланғоч ёнгоқ ниҳолига гуё Мирзо Бобур маъюс тикилиб тургандек. Гуё маъюсликнинг тирик тимсоли Мирзо Бобур эди. Назаримда, наққошлар такаллуф билан тортсалар ҳам, ул зоти шарифнинг тимсолини «Бобурнома»да тасвирланган каби мукаммал ярата олмаслар. Яхшиси, «Бобурнома»ни қайта-қайта мутолаа қилган маъқул. Зеро, бу китоб улмас сўз санъатининг беқиёс ёдгорлигидир.

Кенжа БОТИР

## «НАҚҚОШЛАР ТАКАЛЛУФ БИЛАН ТОРТСАЛАР...»

Ёнгоқ дарахти одамга ухшайди: кислородни ютиб, карбонат ангидрид чиқаради. Шу боис ёнгоқ соясида ухлаб қолган кишининг нафаси қисади, агар сурункали ёнгоқ соясида утирилса Гипоксия (кислород етишмаслиги) касалига мубтало бўлиш мумкин. «Ёнгоқнинг остида уйнама! Ёнгоқнинг остида ётма!» деб неварасига дакки бераётган бувимизни ёз буйи юрак уйноғи қилиб қуямиз. Болалар негадир ёнгоқ атрофида уралашаверади... Ёнгоқ бошқа мевали ёки манзарали дарахтларга нисбатан озода бўлади, чиройли куринади. Боз устига, худди одамга ухшаб кислороддан нафас олади, узоқ умр куради.

Ёшликдан ёнгоққа нисбатан нафрат ва муҳаббат руҳида тарбия курамиз. Дастлаб, нафрат пайдо бўлади, меваси пишгач яхши куриб қоламиз. Катталар бизга мана шундай «сабоқ» беришади. Болалар эса, бундай жайдари фалсафани ҳазм қилолмайди: ёнгоққа раҳми келади... Аслида, ёнгоқ ҳам табиатнинг чигал муъжизаси — шундай яратилган, биз уни шундайлигича тан олмоғимиз лозим. Бирок, ёнгоқнинг соясида уйнамаган маъқул (эсли бола бўлиш керак). Шундоқ булсин, тойчоқ!

Ёнгоқ одамнинг душмани ёки рақобатчиси эмас, фақат одам каби табиатда уз урни бор, уз урнини бировга бермайди, беришни ҳам истамайди. Шу холос. Лекин, ҳеч ким ва ҳеч нарса билан урин талашмайди, мартаба талашмайди. Табиатда яшашга ҳаққи бор, Узи берган ҳақ. Шу ҳақни ҳеч ким ва ҳеч нарса билан баҳам куришни ҳам истамайди. Ёнгоқнинг «қони»да ҳеч қачон «шерикчилик» истаги пайдо бўлмайди. Қонда йўқ нарсани таълим-тарбия воситасида қалбга (япроққа) сингдириш душвор. Аксинча, мавжуд потенциал имкониятларни максимал даражада рўёбга чиқармоқ керак. Шундай қилинса, ёнгоқ серҳосил бўлади.

Одам ҳам ёнгоқ каби табиатнинг битта вакили. Табиат олдида улар тенг ҳуқуқ-

римиз табиий бўлади, сохтаюзаки тушунчалардан халос бўламиз. Шундагина завқ билан яшаймиз, завқланишни урганамиз, ҳайрат ҳамиша бизга йўлдош бўлади.

Буюк боболаримиз бу борада қандай булганлар? Улар табиатни буйсундирганларми ёки узлари табиатга буйсунганларми?

Утгиз беш яшар теурийзода Мирзо Бобур бундай гувоҳлик берадилар:

«Истаргачнинг оёғидаги подшоҳий боғини сайр қилинди. Бир олма ниҳоли яхши хазон бўлди эди, ҳар қайси шоҳида беш-олти барг сиёҳ била қолиб эди, андоқким, агар наққошлар такаллуф билан тортсалар, онча торта олмағай эдилар».

Жаҳонгир беназир муъжизага дуч келгандек ҳайратланади. Ҳатто наққошлар ҳурмат-эҳтиром, иззат-икром билан Мирзо Бобур дуч келган манзарани чизиб берсалар-да, табиий ҳолатни ярата олмағайлар! Чунки, табиат бетакрор, унинг муъжизаси бетакрор.

Тож-тахдан, бобомерос салтанатидан айрилиб, Ҳинд сори юзланган 21 яшар Мирзо теран ақл-идрокидан ҳам, нозик инсоний туйгуларидан ҳам мосуво бўлмайди. Умр инсонга фанонинг тухфаси эканини асло унутмайди. Ҳайратланиб яшайди, завқ билан яшайди.

«Улуғ сув назарга келди. Ул юздаги даштлар асло қуринмайдур. Сув осмон билан пайваст куринадур, ул юздаги тоғлар ва пушталар нетаврким, Серобнинг ул юзидаги тоғ ва пушталар муаллақ қуринур. Бу тоғлар ва пушталар ҳам ер билан кукнинг орасида муаллақ куринадур. Мунда йигилур сувлар Катта водийсининг ва Зурмат жулгасининг ва Ғазни рудининг, Қорабоғ улангининг баҳор ёмғирларининг селлари ва ёзлар сув улғайганда зироатдан

ни, Сиз азиз муштарий, умрингизда қурганмисиз? Бепоён қул, қул буйидаги ҳадсиз-ҳисобсиз гоз ва бошқа қушлар галаси, қумга қуйилган сон-саноксиз гоз тухумлари, гоз тухумларини олиш учун келган икки афгон бола... Бул соҳилда эса отининг қорнигача сувга ботиб турган Мирзо Бобур...»

Орадан бир-икки йил угай, Мирзо Ҳиротга ташриф буюради. Теурийзода шахзодалар меҳмоннинг иззат-ҳурмати жойига қуядилар, зиёфатлар уюштирилади. Шундай зиёфатлардан бирида...

«Менинг олимга гоз кабоби қуйдилар, чун қуш бузмогини ва турғамокни қилгон эмас эрдим, илик этмадим (қул урмадим). Бадиуззамон мирзо дедиким: «нега майл қилмассиз?» Мен дедим: «Турғамоктин ожиздурмен». Филҳол Бадиуззамон мирзо менинг олимдаги гозни бузуб, турғаб олимда қуюр. Мундоқ ишларда Бадиуззамон мирзо беназир киши эди».

Демак, қул буйидаги гозлар Мирзо Бобурнинг қузига «кабоб» бўлиб қуринмайди, у ҳатто бутун пиширилган гоз кабобини қандай тановвул қилишни ҳам билмасди. Лекин, табиатдан завқланишни биларди, гузалликнинг қадр-қимматини, бетакрор эканини чин юракдан ҳис қиларди.

Охирги пайтлари кекса отасини (Бойқаро султонни) қуп қийнаган Бадиуззамон «мундоқ ишларда беназир киши эди». Бу таърифда андак пичинг борлигини сезяпсизми? Гуё Мирзо Бобур мийгида кулибгина утиргандек... Умуман, Мирзо Бобур закий зот эди. У Султон Бойқарони қонига ташна қилган тунгич хотинини таърифлаб: «Бека Султонбегим Санжар мирзо Марвийнинг қизи эди. Бадиуззамон мирзо мундин туғилиб эди. Қуп кажулқ эди. Султон Ҳусайн мирзони қуп

узгартириб булмайди. Табиатни асил ҳолида эъозлаб, тан бермоқ лозим. Гузалликка, ҳақиқий идеалга интилмоқ, топинмоқ учун ҳар бир инсон юрагида буюк Бобур яшамоғи керак. Бобур — гузаллик ва қудрат тимсоли. Аниқроғи, у гузалликнинг ҳомийси, гузалликдан нажот топган қудратдир.

— Мирзо, узингиз нима дейсиз?

«Бу битилганлардин гараз шикоят эмас, рост ҳикоят-турким, битибтурмен. Бумас-тур булгонлардин мақсуд узнинг таърифи эмас, баёни воқеи бу эдиким, таҳрир этибтурмен. Чун бу тарихда андоқ илтизом қилибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни



# Бўёндошларнинг шжоди



## МАКТАБ

— Тўғри айтасиз, ҳар кун

Мен ҳам шу катта боғнинг,  
Кичик бир чечагиман.  
Мен она Туркистоннинг  
Нурли келажагиман.

Мен у ерга кираман,  
Ўқимай, китобдаги,  
Расмларни кўраман!

Мақтабимиз боғида,  
Булбулчалар сайрайди,  
Она мактаб бағрида,  
Болалар шўх ўйнайди.  
Мақтабнинг бир сеҳри бор.  
Қалби тўла меҳри бор.  
Она каби меҳрибон,  
Мақтабимдир жонажон.  
Ўқинг яхши мактабда,  
Хикмат кўпдир китобда...

Комила ХУДОЁРОВА,  
Сурхондарё вилояти,  
Денов туманидаги  
6 — ўрта мактабнинг  
6 — синф ўқувчиси.

## ОНА АЛЛАСИ

Она алла айтмоқда,  
Бешик аста гичирлар.  
Онани дуо айлаб  
Кўкда юлдуз пичирлар.  
Она алла айтмоқда,  
Ой осмонни кезади,  
Нурга тўлган кечани.  
Алла сеҳри безайди  
Она алла айтмоқда,  
Улғаймоқда гўдаги.  
Эл суйган фарзанд бўлгин,  
Шудир она тилаги.

Нафиса МИРЗАЕВА,  
Учкўприк тумани,  
32 — мактабнинг  
11 — синф ўқувчиси.



## СОҒИНЧ

Пойтахт кўчаларидан  
юрар эканман кўлларига гул-  
даста ушлаган болаларга кў-  
зим тушди. Уларга завқла-  
ниб бироз қараб турдим. Юз-  
ларидан нур ёғилиб турган бу  
болалар кувончининг чега-  
раси йўқ. Йўлимда давом этар  
эканман беихтиёр болалик  
чоғларимни хотирладим.

Менинг ҳам кечагина шу  
болалардек кўлимга гулдаста  
ушлаб мактаб остонасига бор-  
ганимга бугун 12 йил тўлган-  
нига ҳеч ҳам ишонгим кел-  
майди.

Ногаҳон оёғим остида ши-  
тирлаётган хазонларга қа-  
райман. Кечагина куртак чи-  
қариб табиатга гўзаллик  
бахш этиб турган барглари...  
бугун хазон бўлиб тобора ту-  
габ бормоқда. Балки умрни  
оқар сув деганлари шудир.

Бугун Тошкентга келган-  
нимга ропна роса 1 йил бўл-  
ди. Ҳар сафар уйга борган-  
нимдан сўнг мактаб томон  
йўл оламан, азиз устозларим  
суҳбатидан бахраманд бўла-  
ман.

Беихтиёр тубсиз ҳаёлот ду-  
пёсига чўмаман. Болалигим  
ўтган қадрдон қишлоғим, жо-  
нажон мактабим, меҳрибон  
устозларим ҳамма ҳаммаси  
мен учун ўчмас хотира қол-  
дирган. Ҳа, менинг энг беғу-  
бор дамларим ўша олис қиш-  
лоқдаги мактаб ҳовлисида  
қолди.

Мен сени соғиндим —  
Болалигим.  
Соғинч вужудимни  
тилди кайтадан,  
Умид этиб борар сўнгги  
бекатга.  
Болалик йилларим,  
мактаб ҳаёти  
Наҳотки айлансанг энди  
эртатка?

Чопиб ўйнар эдик чанг  
кўчаларда,  
Хурсанд думалардик,  
яшил кўкатга.  
От ясаб минардик тол  
хивчинидан,  
Наҳотки айланса бари  
эртатка?

Чиллак уйинини  
севганимиз — чун,  
Озорлар берардик  
жажжи куртакка.  
Бу айбмас, гуноҳмас дея  
уйлардик,  
Наҳотки айланса шу ҳам  
эртатка?

Севги гирдобига  
шўнғиб кетган чоғ,  
Исмингни ёзгандим,  
уйиб теракка.  
Охирги учрашув, илк  
юлдузсиз тун...  
Наҳотки айлансанг,  
сен ҳам эртатка?

Қор — бурон уйнардик,  
атроф баҳордек,  
Эҳтиёж сезмасдик  
асло яқтакка.  
Болалик йилларим,  
мактаб ҳаёти,  
Минг афсус айландинг  
бугун эртатка...

Шерзод  
АБДУСАМАДОВ,  
талаба

## БАХТ РАҚАМИ

Мўъжизадир етти рақам,  
Исботланмиш кўп бора.  
Ҳатто фалак кўйнида ҳам,  
Бордир етти сайёра.

Товланади етти рангда,  
Осмондаги камалак,  
Ҳис қилади куй, жарангда,  
Етти оҳангни юрак.

Етти рақам бахт келтирар,  
Ишонар бунга инсон.  
Етти буюк довон ошар,  
Озод юрт Ўзбекистон.

Етти ёшда бугун Ватан,  
Етти ёшда бахт, иқбол,  
Етти чаман, етти жаннат,  
Берди буюк Истиклол!

Жаҳонгир ФОЗИЛОВ,  
Бағдод тумани, Ултарма  
қишлоғи.

## ОНА ТУРКИС- ТОН

Менман азиз фарзандинг,  
Онажоним Туркистон.  
Сендан соғдир жон-танним,  
Жонажоним Туркистон.

Сенда шон-шухрат топган,  
Темурийлар авлоди.  
Бағрингда ўсишмоқда  
Минглаб ворис авлодинг.

Энди унинг боғида  
Яйраб сайрар булбуллар,  
Булбулнинг шўх созидан  
Очилар турли гуллар.

Нигора СОИПОВА



## КўЧА ХАНДО...

Зарнигорнинг «Жағи очик»,  
Йиғлагани йиғлаган.  
Йиглаб ойисин юрагин  
Тиғлагани тиғлаган.  
Сал нарсага аразлайди,  
Сал нарсага тумдаяр.  
Овозининг борича  
Йиғисин кўкка ёяр.  
Энди дам олмоқ

Йиғисини бошлайди,  
Йиғлайвериб,  
йиғлайвериб  
Зериктириб ташлайди.  
Иккинчида ўқийди у,  
Деманг уни кичкина,  
Мақтабда ақли у,  
Унда йиғламас сира!

## «КИТОВ- ХОН»

Кутубхонага Хасан,  
Ҳар куни кираяпсан.  
Бўлсанг агар китобхон,  
Бўласан чин билимдон!

## УСТОЗ БЎЛМАСА

Инсонга дўст бўлиб,  
дўзахи шайтон,  
бўлсанг,  
Занжирбанд титрарди  
кафасда иймон.  
Жар қаърига куларди  
яхши-ю, ёмон,  
Агарда дунёда устоз  
бўлмаса,  
Манкуртдек одамзот она  
билмасди.  
Боласи отасин писанд  
қилмасди,  
Виждон, иймон нима ҳайҳот  
билмасди,  
Агарда дунёда устоз  
бўлмаса.

Элёр ЭХСОНОВ,  
Бағдод туманидаги  
Ўғил болалар  
лицейининг  
10-а синф ўқувчиси

# ЁШ ИҚТИСОДЧИ

## YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова  
ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТА



## ЧЕТДА ТУРОЛМАЙМАН

Куз келиши билан Пскент туманида дала ишлари қизгин паллага кирди. Айниқса, пахта йиғим-терими авжига чиқди. Ишхона, корхона ва мактабларда бу мавсумий ишга яхши ёндашилиб, ҳар куни далалардан режадагидан ортиқ пахта йиғиб-териб олинмоқда. Мактабларда таътилга чиққан қўйи синф ўқувчилари 50-60 килодан, юқори синф ўқувчилари эса 100 килодан пахта териб топширмақдалар. Пскент тумани ҳар йили ўз режаларини бекаму кўст бажариб, пахтани нес-нобуд бўлишига йўл қўймасдан териб олмақда. Албатта, бунинг учун кўпгина инсонларнинг қўл меҳнати талаб этилади. Халқимиз “Меҳнатсиз роҳат йўқ”, - деб бежиз айтмаганда.

Тумандаги мактабларнинг 7-синфидан 11-синфигача бўлган ўқувчилар дарсдан сўнг далага чиқиб пахтани ёғин-сочинларга қолдирмай териб, ишда пахтакорларга кўмаклашмоқда. 5-мактаб ўқувчилари сони пахта теримига кўп чиқаётганлигидан, килограмм кўплиги жиҳатидан барча мактаблар ичида олдinda бормоқда. 9-синф ўқувчилари одоб-ахлоқ жиҳатдан ҳам ўрнатқ бўла оладиган ўқувчилар. Мана шундай намунали ўқувчилардан бири Бунёд Собиржон ўғлидир. У ҳозирги кунда, яъни пахта йиғим-терим мавсумида илгор ўқувчилар сафида бормоқда.

У табиатдан шўх бўлишига қарамай, синфда энг аълочи ўқувчилардан. Энди кейинги гапларни Бунёджоннинг ўзидан эшитсак:

- Бунёд, сизлар анчадан бери пахта йиғим-теримига чиқаётган экансизлар. Кунига неча килограмдан пахта тераяпсан?

- Биз сентябрь ўрталаридан бери дарсдан бўш вақтларимизда далага иккяпмиз. Синфимиз билан кунига 500-600 кг.дан пахта терамиз. Бу, албатта, пахтанинг кўп-камлигига ҳам боғлиқ. Агар пахта кўп бўлса, терган пахтамыз бундан ҳам ошиб кетади. Шундай вақтларда мактаб раҳбаримиз Шавкат ака Гулматов бизнинг синфимизни мақтаганлари мақтаган.

- Сен пахта теришни яхши кўрасанми ёки ўқишними?

- Мен иккаласини ҳам яхши кўраман. Ахир ҳамма ишни ҳам ўз вақтида қилиш керак-да! Ҳаётда фақат ўқиб ёки фақат далада ишлаб бўлмайди-ку. Лекин барибир ҳозир ўқишни 1-ўринга қўяман, чунки ёшлиқда кўпроқ илм олиш керак.

- Бунёд, сен ҳозир ўқишни кўпроқ яхши кўраман дединг. Сен бадиий китобларни севиб ўқийсанми? Қанақа бадиий китобларинг бор?

- Саид Аҳмаднинг “Уфқ”, “Жимжитлик” романи, Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” ва бошқа роман, қиссалардан иборат китобларим бор.

- Сени дўстларинг кулгига уста, дейишади. Шу гап ростми?

- Ҳа, рост албатта. Чунки уйда ҳам онамни хафа қилиб қўйсам ёки ўзлари хафа бўлсалар, ҳар хил гаплар ва ҳаракатлар билан барибир кулдириб юбораман. Дарсларда, танаффус вақтларида эса ўртоқларимни кулдириб юраман. Лекин бу характерим ўзимга унча сезилмайди.

- Мана сен неча ҳафтадан бери пахта теримига чиқмоқдасан. Шу вақт ичида қаерларда бўлдинглар ва у ердан қандай таассуротлар билан қайтдинглар.

- Биз ҳафта мобайнида кўпгина жойларда пахта тердик. Масалан, Андреевка, Қозоқовул, 2-Пискент ва



бошқа жамоа хўжаликларида. Бу ерларда кўпгина тенгдошларим ва акаларим билан танишиб олдим. Улар ҳам худди бизлардек бошқа жойлардан пахта теришга келган эканлар. Уларнинг муомаласи, хулқи, одоби ва бирсўзлилиги ёқди. Бундан ташқари, улар билан суҳбат чоғида гапдан гап чиқиб урф-одатлари, тўйлари ҳақида ҳам анча маълумот тўплаб олдим.

- Раҳмат. Сен бир ҳафтада терган пахта учун қанча ҳақ олсан?

- Мен бир ҳафтада терган пахтамызнинг килограммига қараб, масалан 500 сўм, 650 сўм, 750 сўм, 800 сўмлаб пул олдим.

- Шу олган пулларингни нималарга ишлатасан? Ёки нималарга ишлатишни режалаштириб қўйдинг?

- Мен аввал оладиган нарсаларимни режалаштириб қўяман. Пул олганимдан сўнг эса, мактаб учун керакли ўқув-қуроллар, масалан, китоблар, дафтарлар-сотиб оламан. Энди худо хоҳласа, кейинги пахта пулимга пальто ёки жемпер олмоқчиман. Чунки қолганлари янги бўлмаса ҳам бор.

- Сен ҳам бошқа баъзи ўртоқларингга ўхшаб ўйинчоқлар-автомат, машинага ёки кинога тушишига қизиқмайсанми?

- Тўғри, булар ҳам ўз вақтида керак. Лекин мен тўплаган улгуржи пулимга каттароқ харид қилишни истайман.

- Бунёд, келажакдаги орзуларинг ҳақида сўзлаб бер. Қайси касб эгаси бўлмоқчисан?

- Орзуларим кўп. Биринчи навбатда, мактабни фақат “аъло” баҳоларга битириш. Мен ўзи ёшлигимдан прокурор бўламан, деб юрардим. Ҳали ҳам шу шаштимдан қайтганим йўқ. Яна бир касбни яхши кўраман. Бу ҳам бўлса санъатдир. Онам ўқитувчи. Онамга қизиқ-қизиқ кўринишлар, шеърлар, масаллар, ҳикоялар тузиб бераман. Расм чизишга жуда қизиқаман. Айниқса, шоирларнинг расмларини чизиб яшириб қўяман. Чунки уйдигиларга ҳам чизиб бўлиб, кейин кўрсатаман.

- Бунёд, сен раҳматли Ҳасан ака Абдуллаев раҳбарлигидаги “Ханда” театрида ҳаммиша қатнашиб, беллашувларда совринли ўринларни эгаллаган экансан. Шу ҳақда ҳам гапириб берсанг.

- Мен яқингача “Ханда” театрида қатнашиб, бош ролларни ижро этиб келганман. Устозимиз куни кеча соппа соғ эдилар. Агар биз иккаловимиз бирон-бир спектакль қўймоқчи бўлсак аввал бош ролларни кейин иккинчи даражали ролларни биргаликда тайёрлар эдик.

- Бунёд, мактабдан бўш вақтларингга нима ишлар билан шуғулланасан?

- Мен кўпинча дам олиш кунлари адам билан биргаликда бозорга чиқаман. У ерда мен катта-катта одамлардан молларни қанчадан олиб, қанчага сотишларини кузатиб тураман. Ўзимиз ҳам қўй, молларни сотишга олиб борганимизда, айниқса, адам бозорни айланишга кетганларида молларимизни қиммат сотишга ҳаракат қиламан. Баъзан, шу ниятимга ҳам эришаман. Шу куни адамлар молнинг қолган фойдасини менга берадилар. Мен уни йиғиб юриб бирон-бир катта нарса оламан.

- Бунёд, шундек катта бозорда аданг сенга молларни ишониб топшириб кетадиларми?

- Ҳа, албатта, ишонадилар. Чунки қачон мол ёки қўй сотганимда ўзининг нархидан ҳеч ҳам арзон сотмаганман. Молнинг ўзига қараб нархини ўзим белгилайман.

Мана, ҳам меҳнаткаш, ҳам аълочи Бунёднинг сўзларини эшитдингиз. Биз ҳам унинг келажакдаги орзуига эришишига тилакдошимиз. Қани энди Бунёддек ўқувчилар сафи орамизда кўпаяверса.

Суҳбатдош:  
Ирода МИРСОАТОВА.

УШБУ СОНДА:

“ИҚТИСОДИЁТДАН  
САБОҚЛАР”  
КОНКУРСИ  
ДАВОМ ЭТМОҚДА.

7-БЕТ

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ  
ТАВАМУДИНИНГ  
120 ЙИЛЛИГИГА  
“ТУРКИЙ ГУЛИСТОН  
ЁХУД АХЛОҚ”

8-БЕТ

“ОИЛА ВА  
ЭКОЛОГИЯ  
БОЛАЛАР НИГОҲИДА”

9-БЕТ

Бундай савол беришнинг  
ўзиёқ шубҳа уйғотади. Ахир,  
Қуёш абадий нур сочмайди-  
ми? Афсуски, бундай эмас.  
ҚУЁШ ҚАЧОН  
ЎЧИБ ҚОЛАДИ?

10-БЕТ

БИР БОР ЭКАН,  
БИР ЙЎҚ ЭКАН.  
ПУЛ ДЕГАН  
БЎЛГАН ЭКАН...

11-БЕТ

ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ

12-БЕТ



## БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ РАМЗЛАРИ



Бирлашган  
 Миллатлар Ташкилоти

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти деган иборани кўп эшитгансиз, албатта. Қисқартирилган ҳолда БМТ деб номланувчи бу нуфузли халқаро ташкилотнинг пайдо бўлиши тарихи, таркиби ва у амалга ошираётган улкан ишлар ҳақида севимли "Тонг юлдузи" газетангизнинг ўтган сонларида ҳам аниқ маълумотлар билан танишдингиз.

Ўтган ҳафта давомида эса юртимизда БМТнинг энг фаол ташкилотларидан бири ЮНЕСКО ижроия кенгашининг 155-сессияси бўлиб ўтди. Шу муносабат билан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, газеталар ва телевидение экранларида сиз учун янги рамзларни кўп марта лаб учратдингиз.

Бу белгилар нимани англатади? Улар қанақа ташкилотларнинг рамзлари? БМТнинг фаолият кўлами қандай ўзи? Бу каби саволларга жавоб топиш учун ҳозирча кўйида берилётган рамзлар билан танишинг. Шунда сиз БМТ ҳақида янада кенг тасаввурга эга бўласиз.

Зеро, яқинда 24 октябрда дунё халқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кунини байрам қилди.



ЮНЕСКО - Бирлашган  
 Миллатлар Ташкилотининг  
 таълим, фан ва маданият  
 масалалари бўйича  
 ташкилоти



Бирлашган Миллатлар  
 Ташкилотининг Инсон  
 ҳуқуқлари бўйича маркази



Бирлашган Миллатлар  
 Ташкилотининг қочоқлар  
 ишлари бўйича комиссари  
 Олий Бошқармаси



Бутунжаҳон Соғлиқни  
 сақлаш ташкилоти



Бутунжаҳон  
 почта алоқаси



Бирлашган Миллатлар  
 Ташкилотининг  
 Болалар фонди



Бутунжаҳон интеллектуал  
 мулк ташкилоти



INSTRAW

Хотин-қизлар аҳволини  
 яхшилаш бўйича Халқаро  
 ўқув ва илмий-тадқиқот  
 институти



Бирлашган Миллатлар  
 Ташкилотининг Озиқ-  
 овқат ва қишлоқ хўжалиги  
 бўйича Дастури



UNEP

Бирлашган Миллатлар  
 Ташкилотининг атроф-  
 муҳит бўйича Дастури



Фуқаро авиацияси Халқаро ташкилоти.



Халқаро денгиз ташкилоти



Халқаро валюта фонди  
 (жамғармаси)




ПРООН - Бирлашган  
 Миллатлар Ташкилотининг  
 тараққиёт дастури



МФСР - Қишлоқ хўжалиги  
 тараққиёти бўйича  
 Халқаро фонд (жамғарма)



Халқаро меҳнат  
 ташкилоти



Атом энергияси бўйича  
 Халқаро агентлик



Бирлашган Миллатлар  
 Ташкилоти Университети



Халқаро метеорология  
 ташкилоти



Бутунжаҳон банки



ХАБИТАТ - Бирлашган  
 Миллатлар Ташкилотининг  
 аҳоли яшаш жойлари  
 бўйича маркази



МАКТУБЛАРИНГИЗНИ  
КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА  
ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:  
700029, Тошкент шаҳри,  
Муस्ताқиллик майдони,  
2-уй, 402-хона,  
(Музаффар ПИРМАТОВга)

## ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР

Янги ўқув йилидан бошланган  
"Иқтисодиётдан сабоқлар" сиртқи мактаби конкурси  
давом этмоқда.

Конкурс "Ёш иқтисодчи" шова газетаси ва конкурс лойиҳаси муаллифлари, фан номзодлари **Эргашовой САРИҚОВ** ва **Баҳодир ХАЙДАРОВ**лар билан ҳамкорликда уюштирилмоқда.

Конкурс бутун ўқув йили давомида олиб борилади. Газетамизнинг ҳар бир сонидан конкурс топшириқлари ва топшириқларни бажаришингиз учун зарур бўладиган назарий материаллар бериб борилади. Сиз ўз навбатида топшириқ варақаларини тўлдириб, тахририятга юборишингиз лозим. Агар газетамизга обун бўлмаган бўлсангиз, ҳозирча мактаб кутубхонасидан газетани топиб, қўлда ёки ксероксда кўчириб олиб, топшириқ варақасини тўлдириб, бизга йўллашингиз мумкин. Оралиқ якунлар ҳар ойда эълон қилиб борилади. 3-4 та газетанда берилган топшириқларни тўплаб, 1 та хатжилда юборишингиз ҳам мумкин.

Бу савобли иш Халқ таълими вазирлигининг республика Таълим маркази, "Камолот" жамғармаси қошидаги Ёшлар муаммолари институти, Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улғбек" жамғармаси томонидан қўллаб-қувватланди.

Конкурс ташиқлотчилари ва ҳомийлар томонидан қўйидаги мукофотлар таъсис этилган:

1-ўринни эгаллаган ўқувчига - телевизор;

2-ўринни эгаллаган ўқувчига - стерео магнитофон;


фаол қатнашган 10 та ўқувчига - аудио-плеер

Конкурснинг якуний босқичи Тошкент шаҳрида 1999 йилнинг апрель ойида ўтказилади.

### 9 - ДАРС

#### ПУЛ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Товарларни айирбошлаш жараёни борган сари мураккаблашиб ноқулай бўлиб борган. Айтайлик, этикдўзга нон, новвойга ун, тегирмончига бугдой, деҳқонга омов ва темирчига этик керак бўлсин. Бу ҳолатда, этикдўз биргина нонга бўлган эҳтиёжини қондириши учун ўзи тиккан этикни олдин омовча, омовчи бугдойга, бугдойни унча ва энг охирида унни нонга алмаштиришига мажбур бўлган.



#### Мураккаб товар айирбошлаш жараёни

Бундай вазиятда ҳамма ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини жон-жон деб алмаштирадиган бошқа бир ҳаммабон (универсал) махсус товарга - пулга эҳтиёж пайдо бўлган. Бундай махсус товар-пул родини турли ҳудудларда, турли даврларда турли хил товарлар ўйнаган. Масалан, Қадимги Юнонистонда, Римда, араб ва ҳинд қабилаларида пул родини чорва моллари бажарган.

Шимолий мамлакатларда - мўйна ва тери, Африка халқларида - чиганоқлар ва фил суюқлари, Қадимги Мисрда - бугдой, Хитойда - туз, Мўғулистонда - чой пул вазифасини бажарган. Бу товарлар баъзи жойларда ўзининг ҳаммабонлиги, яъни ҳамманинг эҳтиёжини қондириши хусусиятига кўра, баъзи жойларда камбўлик хусусиятига кўра пул вазифасини ўтаган.

Одамлар метални қайта ишлашни ўрганиб олганларидан сўнг эса, металл пуллар пайдо бўлган. Уларнинг шакли турлича, тўртбурчак, учбурчак, думалоқ, ясси пластика кўринишида бўлиб, мис, темир, бронза каби металллардан ясалган.

Кейинчалик пул функциясини қимматбаҳо металллар, олтин ва кумушдан ясалган пуллар эгаллаган. Олтин ва кумуш пулларнинг бошқа пул ўрнида ишлатилган товарларга қараганда қатор афзаллик томонлари бўлган.

Биринчидан, бу металллар табиатда жуда кам учрайди. Уларни қазиб олиб қайта ишлаш жуда қийин. Ҳар ким ҳам ишлаб чиқара олмайди.

Иккинчидан, бу металллар зангламайди, ўз хусусиятларини йўқотмайди. Бошқа пул ўрнида ишлатилган мол, мўйна, темир ва мислар бундай хусусиятларга эга эмас.

Учинчидан, бу металлларни майда бўлақларга бўлаклаш мумкин. Ҳар бир бўлагининг оғирлигига қараб кўпроқ ёки камроқ товарга алмаштириши, айирбошлаш мумкин. Бошқа товарлар масалан, олмос эса бундай хусусиятларга эга эмас, чунки олмоснинг бир неча бўлақларидан иборат 1 грамма, яхлит 1 граммлик бўлагидан анча арзон туради.

Ана шу афзалликларига кўра, олтин ва кумуш пуллар узоқ йиллар давомида асосий муомала воситаси вазифасини ўтаб келган.

Турли хил оғирликка эга бўлган олтин ва кумуш бўлақлари пул сифатида ишлатилганда, ҳар сафар уларни тарозидан тортишига тўғри келган. Бу ноқулайликни бартараф этиши учун маълум оғирликка ва шаклга эга бўлган ва турли хил муҳрлар урилган тангалар муомалага киритилган. Вақт ўтиши билан тангаларнинг ҳам камчиликлари кўриниб қолган. Олтин ва кумуш тангалар қўлдан қўлга ўтиб ейилган ва енгиллашиб қолган. Бу эса ўз навбатида уларнинг бошланғич қийматини, бошқа товарлар билан айирбошлаш қобилиятининг камайишига олиб келган.

Бу муаммони ечишга бўлган ҳаракатлар натижасида қоғоз пуллар пайдо бўлган. Биринчи қоғоз пуллар 812 йилда Хитойда забт қилинган, кейинчалик эса бошқа давлатларда ҳам чиқарила бошлаган.

### 9 - ТОПШИРИҚ

#### ПУЛ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

1. Чап томондаги устунда келтирилган ҳудудларда қадимда нима пул вазифасини бажарганини ўнг томондаги устундан аниқлаб, чиқиқ билан туташтиринг.

Рим	Туз
Миср	Чорва моллари
Юнонистон	Чой
Хитой	Мўйна ва тери
Мўғулистон	Бугдой
	Чиганоқлар ва фил суюғи

2. Қуйида келтирилган товарлар қайси хусусиятларга кўра, пул вазифасини ўтаган деб ўйлайсиз?

N	Товарлар	Хусусиятлари
1	Мол	
2	Мўйна	
3	Бугдой	
4	Фил суюқлари	
5	Металл пуллар	
6	Олтин ва кумуш пуллар	
7	Тангалар	
8	Қоғоз пуллар	

3. Тўғрисини топинг. Олмос пул вазифасини бажара олмаганлигининг асосий сабаби, унинг

- А) ноёблиги
- В) бўлақлари қийматларининг йиғиндиси бутун қийматига тенг бўлмаслиги
- С) ялтироқлиги
- Д) иссиққа чидамлилиги
- Е) узоқ вақт емиримаслиги

4. Нима сабабдан Мўғулистонда қадимда пул вазифасини чиганоқлар эмас, балки чой бажарган? Жавобингизни изоҳланг.

Жавоб:

5. Нима сабабдан қадимда ҳамма жойда бир хил пул муомалада бўлмаган? Ҳозирчи? Жавобингизни асослашга уриниб кўринг.

Жавоб:

6. Жадвалнинг биринчи устунда келтирилган нарсалар қадимда қайси ҳудудларда пул вазифасини ўтаганини аниқлаб, иккинчи устунни тўлдириг.

Пуллар	Ҳудудлар
Чой	
Туз	
Чорва моллари	
Чиганоқ ва фил суюғи	
Бугдой	

7. Қуйида пул вазифасини бажарган товарларнинг пул сифатида қандай камчиликлари бўлган бўлиши мумкин?

N	Товарлар	Камчиликлари
1	Мол	
2	Мўйна	
3	Бугдой	
4	Фил суюқлари	
5	Металл пуллар	
6	Олтин ва кумуш пуллар	
7	Тангалар	
8	Қоғоз пуллар	
9	Олмос	

Исм-шарифингиз \_\_\_\_\_

Манзилингиз, мактабингиз ва синфингиз \_\_\_\_\_



Абдулла Авлоний таваллудининг 120 йиллигига

## „ТУРКИЙ ГУЛИСТОН ЁХУД АХЛОҚ“

### ТАРБИЯНИНГ ЗАМОНИ

Эмди очиқ маълум бўлдики, тарбияни туғулган кундан бошламак, вужудимизи қувватландурмак, фикримизи нурландурмак, ахлоқимизи гўзаландурмак, зехримизи равшанландурмак лозим экан. Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур? деган савол келадур. Бу саволга, “биринчи уй тарбияси. Бу она вази-фасидур. Иккинчи мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вази-фасидур”, деб жавоб берсак, бир киши деюрки, “қайси оналарни айтурсиз, билимсиз боши пақмоқ, кўли тўқмоқ оналармиз? Ўзларида йўқ тарбияни қайдан олиб берурлар”, дер. Мана, бу сўз кишини юрагини эзар, бағрини ёндурар. Отасига нима дерсиз, десак “қайси ота? Тўйчи, улоқчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм қадрини билмаган, илм учун бир пулни кўзлари қиймаган, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми? Аввал ўзларини ўқитмак, тарбия қилмак лозимдур”, - дер. Мана бу сўзни эшитгач, умид қўллари қўлтўққа урилур.

Хайр, бўлмаса, муаллимчи десак, “қайси муаллим? Мақсади пул, маслаги шухрат, юқори мактабларда ўқимаган, “усули таълим” кўрмаган муаллимларни айтурсизми? Аввал ўзлари “дорилмуаллимин”ларда ўқимақлари, сўнгра дарс бермақлари лозимдур”, - дер. Мана бу сўз инсонни ҳайрат дарёсига фарқ қилур.

Мударрисларга на дерсиз десак, “қайси мударрис? Матлаблари ош, мақсадлари чопон, дарслари беимтиҳон, ислоҳ яқинидан юрмаган мударрисларни айтурсизми? Булар ўз вази-фаларини билуб, нафсларидан кечуб, замонга мувофиқ равишда дарсларини ислоҳ қилуб, имтиҳон бирла ўқутмақлари лозимдур”, - дер. Мана бу сўз ҳар кимни “Алислоҳ” демакга мажбур қилур. Бўлмаса, ҳукумат-чи? десак, “хайр, ҳукумат ҳаммининг отасидур. Ўз фуқаросининг болаларини тарбия қилмак лозим. Шунинг учун бизнинг ҳукумат ҳар ерда бизлар учун ҳам мактаблар очуб, болаларимизни текин ўқитур. Лекин ўзимиз иш билмаган, ялқов, уйда онамиз тарбияси, отадан пул тарбияси, муаллимдан ахлоқ тарбияси, мударрисдан фунун тарбияси кўрмаганимиздан, ҳукумат мактабларидан ҳам ўз ҳиссаларимизни ололмаимиз”, - дер. Мана бу сўз бизларни тарбиядан маҳрум, ҳуқуқнинг на эканин билмаганлигимизни билдирур.

Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидур. Расули акрам набийи муҳтарам саллолоху алайҳи васаллам афандимиз: “инсонларнинг карами динидадур, муруввати ақлиндадур, ҳасаби ахлоқиндадур”, - демишлар.

*Агар бир қушининг ёш боласин олиб,  
Бўлур тарбият бирла йўлга солиб.*

*Опасин олиб асрагон бирла ром,  
Қилмас киши саёй қилса мудом.  
Керак тарбият ёғлиқдан демак,  
Улуғ бўлса лозим келур гам емак.  
Эгур бемашаққат киши наводани,  
Тўғунчи эгур куйдириб кавдани.*

### БАДАН ТАРБИЯСИ

Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўкумоқ, ўкутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалларинда, ишларинда, ибодатларинда камчилик қилурлар. Маишатимизни роҳатда бўлмоғи жасадимизнинг соғлом бўлмоғига боғлиқдур. Биз сиҳатимизни сақламак ила амр ўлинганимиз, шунинг учун вужудимизни ҳифзи-сиҳатга зид бўлган ёмон одатлар ила чуритмақдан сақланмаклигимиз лозимдур.

Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила териси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўйиб астарини ювуб овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керақдур. Шунинг учун ота-оналар болалари касал бўлган замон бепарволик қилмай, тезлик ила табиб ёки дўхтурга боқизмак керак.

Имом Шофеъи ҳазратлари: “Илм икки хилдур: бири бадан илми, иккинчи дин илми”, демишлар. Бунга қараганда энг аввал ҳифзи сиҳат қоидаларини билмак, саломатлиқга терс бўлган нарсалардан сақланмак ила бўладур.

Ичкулик, кўкнор, наша, афюн, тарёк, чилим, нос, попирус каби баданнинг саломатлиқига зарарли, оғулик, баъзиси ҳаром, баъзиси макруҳ, баъзиси исроф бўлган нарсалардан қочмак, сақланмак шарият, ақл, ҳикмат юзасидан лозимдур. Расули акрам набийи муҳтарам саллолоху алайҳи васаллам афандимиз: “Ҳар нарса кўп ичганда маст қиладурган бўлса, ман сизни онинг озгинасидан ҳам наҳй қиламан”, - демишлар.

*Саломатликни сақлов лозим ишдур,  
Гунаҳдин сақла жисминг ёзу қишдур.  
Касал бўлсанг, бўлур дунё қоронғу,  
Маишат талх ўлуб ҳасрат чекишдур.  
Ҳарому шубҳадан пок эт ўзингни,  
Бу дунё айшу ишратдан кечишдур.  
Ҳама ишратчи ҳижронликда кетди,  
Бу оламда бир иш ишлаб кетишдур.*

Нашрга тайёрловчи:  
педагогика фаилари номзоди  
М.МАХСУМОВ.



**АБДУЛЛА  
АВЛОНИЙ**

### ТАРБИЯ

Тарбия “Педагогия”, яъни бола тарбиясининг фани демақдур.

Илми ахлоқнинг асоси тарбия ўлдуғиндан шул хусусда бир оз сўз сўйлаймиз. Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслақини тузатмак, яхши хулқларини ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмақдур. Тарбия қилгувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига “яхши хулқ” деган давони ичидан, “поклик” деган давони устидан беруб, катта қилмоғи лозимдур. Зероки, (Ҳассину ахлоқикўм) амри шарифи узра хулқимизни тузатмакга амр ўлинганимиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур.

Ахлоқимизнинг биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордур. Баъзилар “тарбиянинг ахлоққа таъсири йўқ, инсонлар асл яратилишида қандай бўлсалар, шундай ўсарлар, табиат ўзгармас”,

*Ёмон хў тузалмайди дармон ила,  
Ипак ўлмас ип, ранги алвон ила,  
Боқинг, бир дарахт мевасидур ёмон,  
Бўлур яхши пайванд, парво билан.  
Бўлур ҳар киши аслини рангидан,  
Ва ёким улангандаи зангидан”, - демишлар.*

Лекин бу сўз тўғри эмасдур. Чунки табиатнинг ахлоқга, албатта таъсири бўладур. Орамизда масал борки, “сут ила кирган, жон ила чиқар”, мана бу сўз тўғридур. Расули акрам набийи муҳтарам саллолоху алайҳи васаллам афандимиз:

“Бешиқдан то мозорга боргунча илм ўрган”, - демишлар. Бу ҳадиси шарифнинг маъноси бизларга далилдур. Ҳукамолардан бири: “ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдур”, - демиш. Шарияти исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак оталарга фарзи айн, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи кифоядур. Пайғамбаримиз: “Болаларингизни етти ёшидан намозга ўргатингиз. Агар ўн ёшида ўкумаса урингиз”, - демишлар.

*Ҳар кишининг дунёда ороми жони тарбият,  
Балки охирида эрур доруламони тарбият.  
Тарбият ҳамроҳ этадур ҳур ила рузвонларда,  
Гар десам бўлмас хато жаънат макони тарбият.*

*Эй, оталар! Жонларингиздан сучук  
фарзандингиз,  
Ғайрат айланг ўтмасун вақт-замони тарбият.*

*Мояи зилли хумодур тарбиятнинг сояси,  
Бизда анқо тухмидек йўқ ошёни тарбият.*



Яқинда Тошкент шаҳридаги 22-мактабда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда сеvimли ёзувчимиз ўзининг болалик даври хотираларидан сўзлаб берди. Мактаб ўқувчилари томонидан ёзувчи қаламига мансуб асарлар асосида тайёрланган кичик саҳна асарлари ижро этилди. Мактаб директори, халқ ўқитувчиси Х.Хошимов учрашув учун миннатдорчилик билдириб, Пиримқул акани 70 ёшга тўлганлиги билан қутлади. Суратда: Пиримқул Қодиров ўқувчилар даврасида.

Р.АЛЪБЕКОВ туширган сурат





“Кишининг табиатга муносабати қандай бўлса, ҳайвону-паррандаларга, инсонларга муносабати ҳам шундай бўлади”.

ЧИНГИЗ  
АЙТМАТОВ



Муяссар Бекимова Беруний туманидаги 4-ўрта мактабнинг 7-синфида ўқийди. Унинг қалбига аъло баҳоларга ўқиш билан биргаликда бадиий ижодга ҳавас уйғонибди. Муяссарнинг ишро, шеър, мақолаларида она ватанини севиш, табиатга муҳаббат туйғулари бор. Республика болалари ва ўсмирларнинг “Тонг юлдузи” ва “Ёш иқтисодчи” илова газетасида унинг “Бобом газнадан келди”, “Бувимнинг сеҳрли сандиғи”, “Ватан чизгилари” танловинида “Мен туғилган юрт” ишолари чиқди. Туман газеталарида ҳам адабий ижод намуналари чиқиб турибди.

У яқинда ўтказилган “Оила ва экология болалар нигоҳида” танловининг туман биринчилигида адабий-ижод йўналиши бўйича фахрли биринчи ўринни олди.

Биз Муяссарга бундан кейинги ижодига омад тилаймиз.  
Бибиҳўжар АЛЛИЁРОВА,  
мактабнинг “Маънавият ва маърифат” бўйича директор ўринбосари.


Табиат ва экология бир бутундир. Уларни ҳеч қачон бир-биридан ажратиб бўлмайди. Табиат ва экология бирлиги айниқса, бугунги кунга келиб янада муҳим аҳамият касб этаяпти. Экологик вазиятни яхшилаш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймаслик бугунги куннинг энг долзарб масаласи бўлиб турибди.

Президентимиз И.Каримов энг катта сув ҳавзамиз - Орол денгизининг аҳолини яхшилаш тўғрисида бир қанча тадбирлар ишлаб чиқди. Орол денгизининг қуриб бораётганлиги ва бошқа экология муаммолари ҳар бир виждонли кишини чуқур ўйга толдирмоқда.

Шундай экан, табиат ва экология муҳофазасига энди илгаригидек муносабатда бўлиш мумкин эмас.

Инсонлар табиат ва эко-

логияга меҳр билан ёндашишни, унга фарзандларча садоқат кўрсатишлари лозим. Биз ўқувчиларга экология ва табиатга меҳр уйғотишда мактабимиз ўқитувчилари, ота-оналаримиз яқиндан ёрдам бермоқда. Оиламиз билан ёзги даврда “Бадай-туқай” кўриқхонасига саёҳатга чиқамиз. Шунингдек, Беруний туман ўқувчиларининг «Ёш табиатшунослар маркази»да бўлган киши бу ерда олиб борилаётган ишлардан қувонади. Мен ушбу марказ ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Ўқувчиларнинг экология ва



табиатшунослар марказида ҳозирги кунда 20 та тўғарак ишлаб турибди. Бу тўғаракларда 750 дан ортиқ ўқувчилар экология ва табиатни пухта ўрганмоқдалар. Моддий жиҳатдан таъминлашда туман халқ таълими бўлимининг хизмати катта бўлмоқда. Ўн йил бурун замонавий, барча қулайликларга эга бўлган икки қаватли бинони қуриб битказилгандан кейин табиат маскани қатор ютуқларга эришди.

Марказнинг тажриба участкасида ўнлаб ноёб гуллар очик ва ёпиқ ҳолда, узум ва бошқа мевали дарахтлар ўстирилмоқда. Ўқувчиларга экология ва табиатга меҳр уйғотишда барча шароитлар яратилган. Марказда “Табиатни кўриқлаш”, “Богдорчилик”, “Экология ва табиат”, “Чевар қўллар”, “Гулчилик”, “Кўёнчилик”, “Чорвачилик”, “Менежер” ва бошқа тўғараклар ишлаб турибди.

Ўқувчилар гул ва дарахтларни парвариш қиладилар.

«Ёш табиатшунослар маркази»нинг асосий мақсади, - дейди директор Олия опа Шўманова, - мактаб ўқувчиларига она табиатни севиш ва ардоқлаш, унинг бойликларини янада кўпайтиришга ўз ҳиссаларини қўшиш, мактаблар ёнидаги тажриба участкаларида турли манзарали, мевали дарахт ва гул кўчатларини экиш ва уларни меҳр билан парвариш қилиш йўлларини ўргатишдан иборатдир.

Марказда она заманининг турли иқлим шароитларида яшайдиган қушлар парвариш қилиниб, кўпайти-

рилмоқда. Ҳар йили мактабларда гуллар ва қушлар байрами, экология ва табиатга доир кўрик-танловлар ўтказилиб борилади. Уларда ёш табиатшунослар фаол қатнашиб, юқори ўринларни эгалламоқда.

- Табиат гўзаллигини гулларсиз тасаввур қилиш қийин, - дейди “Гулчилик” тўғараги раҳбари Мақсуда опа Исмоилова. - Бизнинг тўғарак аъзоларининг етиштираётган гулларини кўрган ҳар бир кишининг кўнгли яйраб кетади. Гулларимиз кун сайин кўпаймоқда.

“Кактус”, “Роза”, “Бегония”, “Чиннигул”, “Гарень”, “Алоэ” ва бошқа гулларимиз ҳам бор. Гулларимизни тўғарак аъзолари навбатчилик асосида парвариш қилишади. Мен ҳам мактабдаги “Гулчилик” тўғараги аъзосиман. Бу ердаги хилма-хил, бир-биридан чи-



ройли гулларни кўриб мен ҳам шу тўғаракка аъзо бўлдим.

Марказ ҳар йили ўтказилаётган “Гуллар ва қушлар” байрамида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Ўқувчиларнинг «Ёш табиатшунослар маркази»да айна кунларда она табиатга гамхўрлик борасида изланишлари давом этмоқда.

Муяссар БЕКИМОВА,  
Беруний туманидаги  
4-ўрта мактабнинг  
7-синф ўқувчиси.



Бувам боғимизда.

Баҳром БЕКИМОВ олган сурат.

## ГУЛЛА, ЯШНА - ЎЗБЕКИСТОНИМ

Ўзбекистон - она Ватаним, жоним,  
Бағрингда туғилдим, улғайдим, ўсдим  
Сени мадҳ этишга сарфлай ҳар оним  
Гулла, яшна, Ўзбекистоним.

Мунчалар гўзалсан она Ватаним!  
Беқийс ҳуснингга санолар айтдим,  
Тупроғингни олиб минг марта ўндим  
Гулла, яшна, Ўзбекистоним.

Ватан сабоқларин эта олсам ёд,  
Фақат сенинг учун ёзаман авлод,  
Қўлимда бор ожиз қаламим маним  
Гулла, яшна, Ўзбекистоним.



## ОТА-ОНАМ КўНГЛИМДА

Мен шеър ёзаяпман, ўйга ботганман  
Нега ёзаяпман? Ундайди ишқ - юрак  
Буни мен умрим ўтар билмайман  
Бу дилнинг сирини билишим керак.

Сезаяпман акс садо, меҳр-муҳаббат  
Кўнглимда онамга нур тароват.  
Отажона-онажон, сиз вужудим, ҳаётим  
Умрингиз боқий бўлсин, шону-шухратим.


Она меҳри ҳар он тошни эритар,  
Ота меҳри умрбод кулфатга қалқон  
Отажон-онажон, сиз вужудим, ҳаётим  
Оллоҳ қанотида асрасин ҳар он.



Жонибек  
БОЗОРОВ,  
Бухоро вилояти,  
Ғиждувон  
туманидаги  
3-иқтидорли  
болалар мактаб-  
интернатининг  
7 - “В” синф  
ўқувчиси.



## ҚУЁШ ҚАЧОН ЎЧИБ ҚОЛАДИ?



Бундай савол беришнинг ўзиёқ шубҳа уйғотади. Ахир, Қуёш абадий нур сочмайдими? Афсуски, бундай эмас. Биз Қуёш ҳам оддий юлдуз эканини, эртами-кечми, у ҳам сўнишини яхши биламиз.

Олимлар бир вақтлар, Қуёш аста секин совиб ёки “куйиб кул бўлиб” боради, деб тахмин қилишган эди. Энди биламизки, агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлганида унинг қуввати, бор-йўғи, бир неча минг йилга етарди, холос. Энди бу тахминга ҳеч кимни ишонтириб бўлмайди.

Қуёш “куйиб кул бўлмаётган” бўлса, унда нима бўляпти ўзи? Ҳозирги илм-фан Қуёш ўз қаърида рўй бераётган реакциялар натижасида энергия чиқараётгани тўғрисидаги назарияни исботлаб берган. Бунинг маъноси шуки, водород бениҳоя юқори иссиқлик температураси таъсирида бирлашиб, гелий атомлари ядросини ташкил қилади. Термоядро куроли - водород бомбаси портлаганда ҳам худди шундай реакция рўй беради. Унинг натижасида жуда катта миқдордаги энергия ажралиб чиқади.

Шундай қилиб, Қуёшдаги водород захираси қанча муддатга етади, деган савол туғилади. Агар водороднинг ёниш жараёни ҳозиргидай суръат билан давом этаверса, Қуёш яна 150 миллиард йил нур сочиб туриши мумкин. Бу жараён натижасида Қуёшнинг массаси, бор-йўғи, 1 фоиз камаяди. Шунинг учун ҳам Қуёш узоқ келгусида ўчиб қолиши мумкин, деган хавотирга бормаса ҳам бўлади.

## НЕГА ЮЛДУЗЛАР ЎЗИДАН ЁРУҒЛИК ЧИҚАРАДИ




Юлдузлар, нурини ўзида акс эттирадиган ва шу туфайлигина ёруғ бўлиб кўринадиган сайёралар ва уларнинг йўлдошларидан фарқли ўлароқ, ўзидан нур тарқатадиган катта газ шарларидир. Масалан, Ой шуъласи Қуёш нурининг аксидан бо-

шқа нарса эмас. Яна бир фарқ шундаки, бизга юлдузлар милтиллаётганга ўхшаб кўринади, аммо сайёралар ёруғлиги милтилламайди. Юлдузлар милтиллашига сабаб бўлган нарса Ер атмосферасида турли моддаларнинг мавжудлигидир.

Қуёш ҳам, унчалик катта ёки ёрқин бўлмаса-да, юлдуздир. Бошқа юлдузлар билан таққослаганда, у ўртача катталиқдадир. Миллионлаб юлдузлар Қуёшдан кичик бўлиши баробарида яна шунчаси ундан анча каттадир. Шундай юлдузлар ҳам борки, улар Қуёш ўрнида бўлганида Ер, Марс, Юпитер орбитасини ҳам ўз ичига қамраб олиши мумкин эди. Аммо улар биздан жуда олисда жойлашгани учун кўзимизга кичик бир нуқта бўлиб кўринади.

Қадимги юнон мунажжимлари замонидан бери юлдузлар катталигига қараб, бир неча гуруҳларга бўлинадди. “Катталик” деганда, юлдузларнинг катта-кичиклиги эмас, аксинча, уларнинг ёрқинлиги кўзда тутилади. Бундан ташқари, юлдузлар ўз спектрларига кўра ҳам, бошқача айтганда, ўз ёруғлик тўлқинлари узунлиги билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Мунажжимлар у ёки бу юлдузнинг спектрини ўрганаётганда, ўша юлдузнинг ўзига хос хусусияти, температураси ва ҳатто кимёвий таркиби тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар йиғишади.

## НИМА САБАБДАН ҚУЁШ ТУТИЛАДИ?



Қуёшнинг тутилишида уч самовий жисм: Ой, Ер ва Қуёш иштирок этади. Маълумки, Ой Ер атрофида айланади, Ер эса ўз навбатида тўхтовсиз Қуёш атрофидаги орбита бўйлаб ҳаракат қилади. Шундай қилиб, вақти-вақти билан Ой Ер ва уни ёритадиган Қуёш ўртасига тушиб қолади. Шу ҳолатда Қуёш тутилиши деган ҳодиса рўй беради.

Қуёш фақат янги ой чиққан кезлар тутилади, чунки айна шу вақтда Ой Ернинг Қуёшга қараган томонида жойлашган бўлади. Агар Ойнинг орбитаси ҳам Ернинг орбитаси жойлашган текисликда бўлганида эди, Қуёш ҳар янги ой чиққан кез тутилар эди. Бироқ Ой Ер атрофидаги 29,4 кунлик ҳаракати вақтида, одатда, Ер билан Қуёш ўртасидаги тўғри чизиқни четлаб ўтади.

Мунажжимлар Қуёш тутилиши бошланишини ва у қанча давом этишини олдиндан секунд-секундигача аниқ айтиб бера оладилар. Шунингдек, улар олдиндан бу тутилиш тўла, қисман ёки халқасимон бўлишини ҳам айта олишади.

Агар Ой Қуёшни бутунлай тўсиб қўйса, бу тўла тутилиш дейилади. Аммо Ер билан Ой ўртасидаги масофа доимо бир хил бўлмайди ва у кўпинча жуда узоқ бўлади. Бу эса Қуёш тутилишига ҳамиша ҳам имкон беравермайди. Шунда ойнинг қора гардиши бутун Қуёшни тўсиб қўяди, бироқ унинг айланаси бўйлаб ингичка халқа кўриниб тура-

ди. Бу Қуёшнинг халқасимон тутилишини билдиради. Ойнинг Қуёш юзасини қисман тўсиб қўйиши қисман тутилиш дейилади.

Қуёш ҳар йили камида икки марта тутилади. Уларнинг сони бештагача ҳам етиши мумкин. Ер шарининг маълум бир қисмида Қуёшнинг тўла тутилишини ҳар 250-300 йилда бир марта кузатиш мумкин. Шунинг учун мунажжимлар бутун Ер юзи бўйлаб Қуёшнинг тўла тутилиши ортидан “қувиб” юришади.

## ОЙ КУНДУЗИ ҚАЙГА КЕТАДИ?



Ахён-ахён бўлса-да, Ойни кундузи ҳам кўриш мумкин. Чунки у кундузи Ернинг биз яшаётган томонига қарама-қарши тарафга ўтиб қолади. Баъзида нақ тепамизда турган бўлса ҳам уни кўриш имкони бўлмайди, чунки Қуёшнинг ёрқин нурлари уларни қайтараётган Ойни бизга кўрсатмай қўяди. Эрта тонгда ёки кечқурунлари, яъни Қуёш нурлари кўзимизни қамаштирмаётган кезлар улар иккаласини ҳам кўришимиз мумкин бўлади.

## УЧАЁТГАН ЮЛДУЗ НИМА?



Инсон минг йиллар мобайнида учаётган юлдузни кузатиб, бу қандай содир бўлиши тўғрисида хаёлларга толган. Бир вақтлар, улар ўзга дунёлардан учиб келади, деган қараш ҳам ҳукм сурган.

Эндиликда учаётган нарса “юлдуз” эмаслигини яхши биламиз ва уларни “метеорлар” деб атаймиз. Улар каттик жисмлардан таркиб топган, космик фазода ҳаракат қилаётган, баъзан Ер атмосферасига ҳам кириб қолади.

Метеор атмосферадан ўтаётганда, осмонда ёрқин из қолдиришини кузатишимиз мумкин. Бу из метеор юзаси ҳавода ишқаланиши натижасида иссиқлик ажралиб чиқишидан ҳосил бўлади.

Қизиғи шундаки, аксарият метеорлар жуда кичкина, тўғнағич бошчаси катталигидадир. Шу билан биргаликда, айрим метеорларнинг оғирлиги бир неча тоннага ҳам етиши мумкин. Аксарият метеорлар атмосферада ёниб кетади, фақат катта метеорларгина Ер юзасига етиб келади. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бир кеча-кундузда Ерга минглаб метеорлар тушади, аммо Ер юзасининг асосий қисмини денгиз ва океанлар ташкил этгани учун ҳам метеорлар кўпинча сувли ерларга инади.

Биз бирор йўналишда учиб ўтаёт-

ган метеорни ҳам кўришимиз мумкин, лекин, минглаб учаётган юлдузлардан иборат метеорлар оқимига ҳам кўзимиз тушиб қолади. Ер метеор оқимини кесиб ўтаётганда, атмосферанинг юқори қатламларига тушган кўплаб метеорлар қизиқ кетади ва биз шунда “метеорлар ёмғири”нинг гувоҳи бўламиз.

Метеорлар қандай пайдо бўлган? Ҳозирги мунажжимлар метеорлар оқимини кометаларнинг қолдиғи деб ҳисоблашади. Комета парчаланиб кетганда, унинг миллионлаб зарралари космосда метеорлар оқими сифатида айлана орбита бўйлаб ҳаракат қила бошлайди. Ер ҳар 33 йилда шундай метеорлар оқими орбитасини кесиб ўтади.

Ер юзасига етиб келган метеор “метеорит” деб аталади. У ерга оғирлик кучи билан тушади. Мелоддан аввалги 467 йилда Қадимги Римда метеорит тушгани қайд этилган. Қадимги Рим тарихчилари бунинг муҳим воқеа сифатида солномаларга рақам этишган.

## ЕРНИ ҚУЁШ АТРОФИДА АЙЛАНИШГА НИМА МАЖБУР ҚИЛАДИ?



Келинг, ишни Ер ва бошқа сайёраларни айланишга нима мажбур қилишини аниқлашдан бошлай қолайлик. Қуёш системасининг пайдо бўлиши тўғрисидаги назариялардан бирига кўра, бундан, тахминан, 5 миллиард йил муқаддам улкан чанг булути пайдо бўлиб, айлана бошлаган. Натижада у гардишга айланади ва унинг марказидаги иссиқ массада Қуёш бино бўлди. Чанг булутининг четки қисмлари айланаётган айрим-айрим массаларга айланади, улардан кейинчалик сайёралар пайдо бўлади.

Ҳозирги пайтда Ер қатори бошқа сайёралар ҳам айланиб турибди. Нима учун Ер ва бошқа сайёралар очик космик фазога учиб чиқиб кетмайди? Бунга Қуёш гравитацияси ёки тортиш кучи йўл қўймайди.

Нютоннинг ҳаракат қонунига асосан, ҳаракатланаётган нарса ўзига ташқи куч таъсир қилмагунча, тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракат қилаверади. Шунинг учун ҳам ҳаракатланаётган сайёралар тўғри чизиқ бўйлаб Қуёшдан узоқлашишга интилади, аммо ташқи кучлар бунга тўсқинлик қилади ва сайёраларни ўз орбитасида тутиб қолади. Бундай ташқи куч Қуёш гравитацияси, яъни тортиш кучидир.

Ҳар бир сайёра ўз орбитаси бўйлаб ҳаракат қилади ва унинг тезлиги ўзи билан Қуёш ўртасидаги масофага боғлиқ. Сайёра Қуёшга яқин келганида тезлиги ортади, узоқлашганда эса сусаяди. Ер Қуёшга энг яқин борганида, тезлиги секундига 30,2 километрга етади, энг узоқ ерга етганда эса - 29,6 километрга тушади. Сайёра орбитаси Қуёшга яқин борганида унинг тортиш кучи ортади, узоқлашганда эса камаяди. Катта тортиш кучи сайёра ҳаракатини жадаллаштиради. Масалан, Меркурий секундига ўртача 47,9 километр, Плутон эса 4,6 километр тезлик билан ҳаракат қилади.



**БИР БОР ЭКАН, БИР ЎЎҚ ЭКАН.  
 ПУЛ ДЕГАН БЎЛГАН ЭКАН...**

Охири. Боши ўтган сонларда.


Пул танқис бўлса охир,  
 Касод бўлса бозор, ё  
 Тақиқлашни қўй, банкир!  
 Қарз бергин дарё, дарё.




Пулим куймасин десанг,  
 Эй, банклар, сенга наказ:  
 Кўпи - ёмон, ози - танг,  
 Ўрта миёнаси соз!



Кичкина Маџума оролида Катта Иқтисодиёт пайдо бўлишининг қисқача тарихи шу.




Энди бўлиб ўтган асосий воқеаларни бирма-бир эслайлик. Пул одамлар орасида бўладиган табиий мол айрибошлаш ўрнида пайдо бўлди. Кейин шунчаки пул сақланадиган омборлар вазифасини бажарувчи банклар пайдо бўлди. Кейин банк пулни чек шаклида бера бошлади. Банк қарз ҳам бериб турадиган муассасага айланди.





Кейин одамларнинг энг зарур эҳтиёжларигагина лойиқ қарз бериб турадиган Захира банк пайдо бўлди.



Биз сизга айтсак, Америка жуда узоқ замонлардан бери Маџума иқтисодиёти тизимидан фойдаланади. Тўғри, АҚШ Маџума оролидан бир неча марта улкан... Бироқ иқтисодий тизим мамлакатларнинг катта-кичиги учун бир хил.



Агар сирни очадиган бўлсак, бутун Америка тарихи шундай: ҳаёт гоҳ у ҳолда, гоҳ бу ҳолда ПУЛ атрофида айланади! Бу ҳақда бошқа сафар гаплашамиз.



“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА МАҚТУБЛАРИНГИЗНИ КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029,  
 Тошкент шаҳри,  
 Мустақиллик майдони,  
 2-уй, 402-хона  
 (Музаффар ПИРМАТОВга).

Мулоқот учун телефон:  
 (371) 139-49-32,  
 139-16-19.  
 Факс: (371) 139-48-23.

Америкада чиққан “Бозорга борамиз” туркумидаги 6-китобнинг русча нашридан М.МУРОДОВА таржимаси.





**ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ**

**“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:**


**700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).**

**Мулоқот учун телефон: (371) 139-49-32, Факс: (371) 139-48-23. Пейжер: (088) 30-13**


ИККИТА БИР ХИЛ НОТАНИ ТОПИҢГ



ЖЕРРИ ЭЛЕКТР АСБОБЛАРДАН ҚАЙСИ БИРИНИ ЎЧИРМОҚЧИ



**ЖЕРРИ БИЛАН ТАФФИГА  
 УЙГА ЕТИБ БОРИШГА ЁРДАМ БЕРИҢГ**



СУРАТДАГИ БЕШТА ФАРҚНИ ТОПИҢГ



## ОЛИШМАСИН ХАВОТИР

Кўчада ўйнаб ҳар гал  
Кечикиб қолсам сагал,  
Бувим, ойм бирма-бир  
Олишади хавотир.  
«Вой қаёқда қолдинг», — деб,  
«Дарровда йўқолдинг», — деб  
Тез қидириб қолишар,  
Тополмасдан толишар.  
Ўйлашади мурғак деб,  
Бамисоли гўдак деб,  
Дўстлар билан ўйнасам,  
Яхшиликлар ўйласам,  
Ножўя иш қилмасам,  
Қоқилиб, йиқилмасам,  
Ёмонга ёндошмасам,  
Улоқиб алашмасам,  
Кўзим бор, ўз ақлим бор,  
Ўзлим бор, ҳаққим бор.  
Ҳеч кўчага чиқмасам,  
Югуриб чиниқмасам  
Қочиб қолмасми мазам?  
Тувакда ўсан гулдай  
Ночор-у рангсиз бўлмай.  
Ахир ўғил боламан,  
Ўзим эплай оламан.  
Уй ўгли бўламанми?  
Зерикиб ўламанми?  
Олишмасин хавотир,  
Исмим эрур Баҳодир!

## ЭЙ, ЮВВОШ МУСИЧА

Эй, мусича, мусича,  
Юракдан борми пича?  
Ялло қилмай, ўйнамай  
Ин қурасан ўйламай.  
Чўплар ташиб оғзингда  
Қийналасан баъзида.  
Қиласан роса меҳнат,  
Қурган нининг омонат.  
Чидаш бермай шамолга  
Тўзиб кетар хиёлга.  
Салга чўчиб кетасан,  
Мушук тутса нетасан?  
Эҳ, бунчалик бўлма гўл,  
Лочин мисол зийрак бўл!  
Ахир қушсан, эркинсан,  
Ярашмайди беркинсанг.  
Майли ўхша каптарга,  
Қолма ё таъна гапларга.  
Бунчалик юввош бўлма,  
Бефаҳм, бебош бўлма!  
Эй, мусича, мусича,  
Юракдан борми пича?



## ДҮСТ КҮНГЛИНИ ДҮСТ ЁЗАР

Дўстга дўст керакдир,  
Мисоли юракдир.  
Дўстни дўст йўқласа,  
Бу ҳолат энг маза.

Бўлсалар бағри кенг,  
Мақсадлар бўлса тенг.  
Дўстга дўст ишонса,  
Бирликда қувонса.

Кўнглини кўтарса,  
Гуллари кўкарса,  
Кулгандай офтоби,  
Ўхшаса одоби.

Дўст кўнглин дўст ёзар,  
Меҳрини кўргазар.

## ЙҮЛ БЕР, ДЕРЛАР — ГУЛ БЕР, ДЕРЛАР

Келаётса қаршиндан ким  
Йўл бер дерлар.  
Ютуқларга эришганга  
Гул бер дерлар.  
Кўча ахир кўпчиликдан  
Берар дарак.  
Юрганингда бўлмас асло  
Олазарак.

Бордир унинг йўл-йўриги,  
Қондаси.  
Йўловчининг бўлар турфа  
Тонфаси

Баъзилар бор шошиб — пишиб  
Йўртиб ўтар.  
Палапатра, палапартини  
Туртиб ўтар.  
Йўл берсанг-чи одобинга  
Қолиб қойил,  
Раҳмат айтар кўнгли сенга  
Бўлиб мойил.  
Гул олувчи сенга дилдан  
Тилак тилар.  
Ҳар қадамда доимо «беш»  
Баҳо тилар.




Йўловчига  
Йўл бер дерлар,  
Ғолибларга  
Гул бер дерлар.

## САЛОМЛАШМОҚ, ХАЙРЛАШМОҚ

Учрашганда  
Саломлашмоқ,  
Кетар чоғи  
Хайрлашмоқ —  
Барча инсон  
Фазилати,  
Ўз зийнати.  
Ҳамда қадри,  
Ҳам қиймати.  
Бир-бирининг  
Ҳолин сўраш,  
— Юрак меҳри  
Билади ўраш.  
Кўлга кўлни  
Беришгани —  
Яхшиликка  
Эришгани.  
Бу йўл: кўнгли  
Кўтаришдир.  
Ташвишлардан  
Қутқаришдир.  
Кетаётиб  
Хайр-хўшлаш,  
Кўнглиларни  
Яна хўшлаш.  
Энг самимий  
Хол сўрашмоқ  
Ният қилмоқ,  
Боболардан  
Қолган хислат.  
Бу одатни,  
Бу одобни  
Ҳар кун ишлат,  
Бўлгин ИБРАТ!

## БҮЛАР ЭДИ ИККИ ДҮСТ

Бўлар эди икки дўст,  
Сезмас эди кам-у кўст.  
Қаранг қандай гап бўлди,  
Икки ошна чап бўлди.  
Ножўялик чиқдимми?  
Ё чақимчи чақдимми?  
Бузилибди ораси,  
Йўқми бирор чораси?  
Нега бирдан «пўм» бўлди,  
Кўролмаслар хўп кулди.  
Апоқ-чапоқ эдилар,  
Аҳил ўртоқ эдилар.  
Ёлғон араландимми?  
Икков тенг адашдимми?  
Юрар эдим ҳавасда,



Дўстлик ундай эмас-да!  
Билолмасдан сабабини,  
Бузиларди асабим.  
Кунлар эса ўтарди,  
Яхшиликни кутарди.  
Тунов кунни кўрсам-чи,  
Ёлғон эмас гапим чин:  
Кетишарди ёнма-ён,  
Кўнглим тинчиди чунон.  
Ортидан қараб қолдим,  
Севиниб шеърга солдим.

## ЧАҚИМЧИЛАР

Чақимчилар чақади,  
У кимлардан чиқади?  
Чиқар кўнгли қорадан,

Топилди орадан.  
Ўхшар баъзан жосулга,  
Киради турфа тусга.  
Аланглайди ҳар ёққа,  
Айланади кулоққа.  
Ичгандайин ёвғонни,  
Қотиради ёлғонни.  
Топиб кам-у кўстларни  
Уриштирар дўстларни.  
Уни бунга чақади,  
Томошага чиқади.  
Аврайди, сир излайди,  
Аслида кир излайди.  
Гоҳида писиб юрар,  
Оғзидан сашиб юрар.  
Кўлга тушса ўзгарар,  
Фақатгина бўзраар.  
Айбини ҳеч олмас тан,  
Асрасин чақимчидан...

## АКВАРИУМ — ШИША ХУМ

Аквариум —  
Шиша хум.  
Балиқчалар денгизи,  
Жимир — жимир сувлари



Тиниқликда тенгсизини.

Аквариум  
Шиша хум,  
Балиқчалар бўлиб жим,  
Сузишгани-сузишган,  
Ўзишгани-ўзишган.

Аквариум  
Шиша хум,  
Баъзи балиқ жуда шум,  
Увоқларни ютишар,  
Тағин бер, деб қутишар.

Тилла, кумуш балиқлар,  
Қилишадир қилиқлар  
Аквариум  
Шиша хум.  
Балиқчалар денгизи,  
Тиниқликда тенгсизини.  
Аквариум  
Шиша хум.

## ИЧИ ҚОРАЛАР...

Огоҳ бўлинг, болалар,  
Кезар ичи қоралар.  
Дарров била олмайсиз,  
Улар ниҳон оралар.  
Танийсизми ким улар?  
Устингиздан жим кулар.  
Кези келса сизлайди,  
Нуқсонингиз излайди.

# Биз себган ИЖОДКОР

Топиб ичи қорани  
Очиқ қилинг орани.  
Улар ўхшар жосулга,  
Киради турли тусга.  
Билинмайди сўзида,  
Билинмайди ўзида,  
Қарасангиз синчиклаб  
Сезилди кўзида.  
Кўзи йилт-йилт қилади,  
Аммо йилт-йилт қилади,  
Танитмай, деб ўзини  
Олиб қочар кўзини...  
Қоралиги ичида  
Ундайлар уста жуда.

Билиб ичи қорани  
Очиқ қилинг орани...



## КҮРҚОҚ ЭКАН ЗҮР БОЛА

Битта мурғак болани  
Девдай бола дўппослар.  
Қилган нима ёмонлик,  
Борми унда асослар?  
У шунчалик зўр экан  
Нега ўзи халлослар?  
Ё бошқалар олдида  
Кўрсатмоқчи кучини?  
Ушал мурғак боладан  
Олмоқчимиз учини?  
Ё масхара қилганми  
Олган «икки», «учи»ни?  
Болақайнинг айбини  
Айтиб берсин «зўр» бола.  
«Ҳеч қанақа айби йўқ»  
Деди четдан бир бола.  
Бир ночорни йиғлатган  
Номард экан гўр бола.  
Мен исмини сўрасам

## ЧОПҚИР БИЛАН ТОПҚИР

Бир бола бор  
Чопқир жуда,  
Бир болақай  
Топқир жуда.  
Бир-бирига  
Яқин улар,  
Биргаликда  
Ўйнаб кулар.

Чопқирликни  
Олган қайдан?  
Билмаганлар  
Дейди: «қайдам».  
Чопқирлиги  
Соғлиғидан,  
Доим вақти —  
Чоғлиғидан.  
Ҳаракатда  
Кўп ҳикмат бор:  
Машқ қилади  
Такрор-такрор.  
Аъзоларин  
Чиниқтирар,  
Бўшангликни  
Тириқтирар.  
Танасидан  
Терлар чиққан,  
Машаққатни  
Енгиб чиққан.  
Семирмаган  
Бўлиб хўшна,  
Қоматлари  
Ёқар кўнга.  
Иш қилади  
Чониб-чониб,  
Зарурини —  
Топиб-топиб.  
Чопқирвойлар  
Чопаверсин  
Соғлиқдан бахт —  
Топаверсин

Айтмади-я муттаҳам...  
Кўрқоқ экан «зўр» бола  
Қочиб кетди бир зумда.  
У болага нафратим  
Кўзғолди дил, кўзимда.  
Кўрқоқ экан «зўр» бола,  
У чалавой — гўр бола.

## БҮЗОҚ ЕДИ МУЗҚАЙМОҚ

(Ҳазил қўшиқ)

Бўлар эди бир бузоқ,  
Хуш кўрарди музқаймоқ.  
Кўп суқатой эмасди,  
Онасини эммасди.

Тегингани сузарди,  
Арқонини узарди.  
Бузоқ дерди — Мў, мў, мў...  
Музқаймоқдан қолдимў?

Бир кун ўшал шўх бузоқ  
Отди роса шаталок.  
Сузиб қолди элакни,  
Илиб олди челакни.

Бузоқлиги билинди,  
Ахмоқлиги билинди.  
Беринганди музқаймоқ,  
Отмай кўйди шаталок.

Бузоқ дерди — Мў, мў, мў...  
Музқаймоқдан қолдимў..?



Хўш, Топқирвой  
Қандай экан?  
Эҳ, ишлари  
Қантдай экан.  
Фикрлари  
Теран эрур,  
Сўз гулларин  
Терган эрур.

Китоб ўқир  
Топқир бола,  
Кўпдир унда  
Мутғоала.  
Билмаганин  
Сўраб билар,  
Сўз маъносин  
Зехни илар.  
Кўп билганлар  
Бўлар содда,  
Не ўқиса  
Қолар ёдда.  
Берсангиз-чи  
Бирор савол,  
Тезда берар  
Тўғри жавоб  
Топар дарҳол.

Кўпайсинлар,  
Кўкарсинлар,  
Чопқирвойлар,  
Топқирвойлар!

Пўлат МҮМИН







Қадим замонда бир ака-ука булиб, каттасининг исми Саломон, кичигиники Ибсол эди. Саломон укасини уз фарзандилай тарбиялади. Боланинг хатти-ҳаракати унга маъкул тушиб, барча фанлардан таълим берди. Бола балогатга етгач, шайтон Саломоннинг хотинини Ибсолга хуштор қилиб қуйди. Ишқ утида уртанган янга тоқат қила олмади. Ниҳоят, Саломонга деди.

— Уканг Ибсол жуда олийжаноб бола, у сенга фарзандингдек яқин. Ғоятда хушфеъл, одобли бола булиб етишди. Уни болаларимизга қўшиб қўйсак, уларга одоб ва яхши ҳулқ ургатса...

Саломонга хотинининг гапи маъкул тушди.

— Хуш, сен айтгандек булсин, — деди у. Кейин Ибсолни чақириб:

— Ҳар пайшанба ва жума кунлари қасримизга келиб тур, деб тайинлади.

Ибсол бунда бирор шумлик бўлса керак деб, чучиди ва акасига шундай деди:

— Эй, ака, мен қаёқда-ю, бола тарбиялаш қаёқда?

Мен бу ишни эглай олмайман.

Болаларингга узинг бош булиб, тарбиясига назорат қилиб турса-широқ буларди. Жуда зарур бўлганингда, уларнинг ҳолидан хабар олиб турсам бошқа гап.

Саломон укасининг бу гапини эшитиб, унга:

— Гапнинг дурустку-я, лекин янганг сени курса хурсанд булади, — деди очик чеҳра билан қасрга кириб юрсанг, қўлидан келганча яхшилик қилади: сенга кийим-кечак, яхши-яхши совғалар беради. Узинг ҳам улғудай тортинчоқ, бағритош бола экансан-да. Ахир янганг меҳр қўйиб, сени уз бағрида катта қилди, ешлингдан уз боласидай тарбиялади. Сен ҳам энди қўлингдан келадиган ёрдамнинг аямай, уни хурсанд қилгин-да.

Ибсол қасрга киришга мажбур бўлди. Янғаси унинг бошидан тилла сочиб кутиб олди ва навозишлар курсатиб, Ибсолга гавҳар ва дурлар қадалган, қават-қават ипаки либослар кийдириди. Шундан сунг шайтон хотиннинг болага муҳаббатини янада алангалатиб юборди.

Хотин узини Ибсолга яхши курсатиб, самимийлигига уни ишонтирмоқчи бўлди, хирсини яширди, зурма-зўраки бўлса, ҳам узини вазмин тутишга уринди. У кўнглида шубҳа уйғонмасин, уйимда бемалол юрсин, деган мақсадда шундай қилди.

Хотин Ибсолни бир неча марта синаб кўрди, кўнгли бир оз таскин топгач, унга:

— Эй, Ибсол! — деди, — тангрининг тақдир қилгани булади, мен сени севишим тақдир азалдан маълум. Тақдирдан қочиб қўтилидиган одам ёки қочадиган жой борми узи?

Ибсол бу гапларни эшитиб, ҳайрон булиб бош чайқади. Нима қилишни билмай, хоҳишини нимага жазм қиларкан, деб бошини қуйи солиб тўрди, қўлини тангри чиройи қилиб яратган ва шундай таъшишига тушишига сабаб булган юзига қўйиб, ҳаёл сурди.

Кейин деди: «Агар бунинг талабига буйсунмасам, хотинлар мендан бурунги ростгуйларга макр қилингандек, бу хотин ҳам менга макр қилиши мумкин, борди-ю, тангрим ва унга раъйига қарши иш қилиб у хотиннинг айтганига кўнсам ва унга ширин сузлар десам, одамлик қиёфам қолармикин? Эй, тангрим, узинг йул курсат, ишимга узинг қўшойиш бер!»

Ноиложликдан Ибсол янғаси ҳузурига киришга рози бўлди. «Тақдир шу экан, энди пешонамга нима ёзилган булса, шу булади, — деди узича Ибсол. — Зора тангрим, тасалли берса, ёки дардимга кумаклашса, эй тангрим, сен хотинларнинг устимдан ҳукмронлик қилишига йул қўйма!» — деб илтижо қилди.

Ибсолнинг кириб-чиқиб юришга рози булиши хотин макрининг тугунини янада маҳкамроқ боғлади. Жимгина турган янга севинчдан ёшланган кўзларини ундан олди. Хотиннинг бу ҳолати Ибсолга таъсир этди. Лекин у бунга ҳеч кимга айтмай, ичига ютди. Шундан кейин Ибсол хотин ҳузурига бир неча марта кириб юрди. Лекин хотин анча вақтгача сабр қилди сабр косаси тулса ҳам дами ичида юрди. Бу билан хотин гуё тасалли топгандек булар, Ибсол булса, унинг индамай юрганга шукур қиларди.

Кўп ўтмай хотиннинг қалби урганиб, Ибсолга тушган ишқи бутун вужудини қамраб олди. Кейин хотин пайт пойлаб, Ибсолнинг буйнига қўл ташлади. Ибсол эса хотинни жеркиб, тескари қараб олди.

Йигитнинг бу қилигидан чўчиган хотин, узини оқламоқчи булиб, қасам ича бошлади:

— Мақсадим сени синаш эди, йигитликда узини қандай тутишингни билмоқчи эдим. Жуда ҳам ориятли эканинга ишондим. Тангрим номига қасам ичиб айтаманки, бундан кейин сени сира хафа қилмайман. Мендан ножуға гап эшитмайсан.

Хотин шундай дерди-ю, лекин у уз қасамини бузишини ва алдамоқчи эканини яширарди.

Кейин хотин Саломон олдиға бориб:

— Мен укангни яхшилаб синаб кўрдим, — деди. Унинг ор-номусли эканига амин булсам, синглимни бериб, қув қилмоқчи, жуда кўп сеп ҳам бермоқчи эдим. Уни синаб, маъкул топдим, энди хуш десанг синглимни унга никоҳлаб берсам, зора, бу ишим тангримга ҳам хуш келса!..

Хотин синглиси ёнига бориб, у билан кенгашди.

— Ибсол сени яхши кўриб қолса, гоҳо ундан бахраманд булиб туришимга рухсат берсанми? Мен бунга айтмайман, узи ҳам мени сезмайди. Ростини айтсам, уни яхши кўраман, шунинг учун сени унга бериб, муродимга етмоқчиман. Агар хоҳласанг шунга рози буласан, хоҳламасанг, ёпиқлигича қолавереди.

Саломоннинг хотини синглиси билан маслаҳатни пиширди ва унинг ёнидан оғзи қўлогига етиб чиқди-да, қайниси Ибсол ёнига бориб:

— Синглим жуда уятчан, эркак нималигини билмайди, — деди. Шунинг учун тун қоронғусида унинг ёнига киришинг керак, Силаб-сийпаб кўнглини овла, то кунга-киб кетмагунча, яъни бир

## САЛОМОН ВА ИБСОЛ

ойгача гапга солма, жавоб ҳам

кутма, чунки у бегонасирайди, гапиришга шарм-ҳаси йул бермайди. — Хотин Ибсолга шундай деди-ю, (туйдан сунг) узи синглиси ётоғига бориб ётди.

Ибсол янғасининг гапига ҳайрон қолди. Кўнглида шубҳа туғилди ва дарҳол қаллиги ёнига кирди. «Қаллиги» узини тухтата олмай, уни бағрига босди. Ибсол хангу-манг булиб:

— Ҳой, — деб бақирди, кейин оҳиста гап қотди. Ҳаёли булсанг, мендан бурун ҳаракатга тушмасдинг, сен бегона хотин булсанг керак.

Шу маҳал осмонни қора булут қоплаган эди. Бирдан кетма-кет қақмоқ чақилди, Ибсол хотиннинг юзини кўрди. Қараса, кучоқлаган қаллиги эмас, янғаси экан. У дарҳол уйдан қочиб чиқиб кетди.

Ибсол довюрак йигит эди. У ҳеч кимнинг ақли етмайдиган илмлардан хабардор эди. Душман қўшинига ҳужум қилгудек бўлса, уни ер билан яксон қилмай қўймасди.

Ибсол, зора янгам мени унутса, деган ҳаёлда бу даргоҳни ташлаб кетмоқчи булиб, акасига маслаҳат солди:

— Мағрибдан машриққа-ча булган барча улкаларни сенга фатҳ этиб берсам, тангри динини у ердаги халқларга ёйсам, деган ниятдаман, шунга нима дейсан? Оллоҳ ёр булиб, зора ишим унгида келса... — деди.

Ибсолнинг гапи акасига маъкул тушиб, унга лашкар тўплаб берди ва жангга рухсат этди.

Ибсол кўт томондаги улкаларга юриш қилди. Кейин Шарқ томондаги улкаларни босиб олмақчи бўлди. У кенг кучли халқлар устидан ҳукмронлик урнатмоқчи эди. Сунгра, Қай улкасига, кейин Синнинг нариги томонидаги ва хиндистондаги ёндош улкаларга юриш қилди. Шуларни фатҳ этиб, ниҳоят акасининг юрти чегарасига етиб келди, у то Рофидайингача забт этди. Ниҳоят жунаган жойи йулга чиққанда отининг туёғидан пайдо булган чуқурчага қайтиб келди. У узича, «Эҳтимол, янгам мени унутаёзгандир,» — деб уйлади.

Шундай қилиб, Хофиқайн ҳукмронларидан бўлиш Зийқарнайнинг энг аввалгиси Ибсол бўлди. Ва ниҳоят, акасининг олдиға қайтди ва Саломонга: — Эй ака, фатҳ қилган улкаларим сеники, уларнинг менга кераги йук, — деди, — бу улкаларни мендан олдин ҳам забт қилганларни биламан; Улар ҳам дунёдаги нарсаларни назар-писанд қилмасдилар.

Янғаси Ибсолнинг сафардан қайтиб келганини эшитди ва уни кучоқлаш ниятида қўлоқ ёзиб унга пешвоз чиқди. Хотин бу макри билан қайнисига булган ишқини яширмоқчи эди; назарида Ибсол бунинг фарқиға бормайдигандек эди. Ибсол янғасига:

— Ассалому алайкум, илойим домонинг пок булсин, менга яқинлашма, мен уша билганинг Ибсолман, — деди.

Бобил мамлакатидан душман чиқиб, Саломон аскарларини тор-мор этди. Шунда Саломон душман-

### Абу Али ибн СИНО

нинг жазосини бериш учун Ибсолни юборишга қарор қилиб, унга аскар тўплаб берди.

Шундан кейин янғаси Ибсолдан бугундай умидини узди ва уни макр тузоғига илтира олмаслигига қўзи етгач, Саломоннинг лашкарбошиларига мол-дунё бериб, уларни қўлга олди. Ибсолни жангда мушкул аҳволда қолдириб кетмоқчи ва душман қўлида ҳалок қилмоқчи булишди. Лашкарбошилар Саломоннинг хотинини буюрганча иш қилдилар. Ҳайрият, худо бир асраб қолди, булмаса, Ибсол душман қиличи остида қиймаланган буларди. Разил лашкарбошилар Ибсолни жанг майдонига ташлаб қочибди. Лекин улар гафлатда қолишди. Шу қилганларига не-не балоларни қўришмади.

Беҳуш ётган Ибсолнинг олдиға еввойи ҳайвонларнинг энг ғамхури, оқ кийик келиб қолди. Ибсолга унинг меҳри тушиб, жароҳатини ялади, оғзига кукрагини солиб, эмизди.


Ибсолнинг акаси Саломон душман қўршовида қолган эди. Унинг хокимияти заифлашган, узи эса укаси Ибсолни уйлайвериб, қайғу-ҳасратда ранги сонмон булган эди. Ибсол узига келгач, ҳар бир одамдан юз берган воқеани уруш майдонида узини ташлаб қочган аскарбошиларни суриштирди. Аҳволни билиб, уларга қаттиқ ачинди.

... Шундан кейин у акаси юртига йул олди, ниҳоят, унга етиб ҳам борди. Улка харобага айланаётган бир пайтда қўққисдан Ибсол келиб қолди. У акаси ёнига кириб деди:

— Мен уканг Ибсол буламан. Тангрим мени фалоқатдан қутқариш ва ҳар қандай бало-қазоларни даф қилиш учун сенга кумак бергани юборди, Саломон пароканда булган аскарларини йигди, уларни қўрол-яроғ, озиқ-овқат, кийим-кечаклар билан таъминлади. Ибсол акаси шаҳар чеккасига тўпланган аскарлари олдиға чиқиб, хил-

тоб қилди: — Мана мен, хизматингизга тайёр, уша Ибсол буламан. Ху-дойим асраб, омон қолдим. Одамлар Ибсолни қўриб, дадиллашдилар. Душман билан жанг қилишга тўплана бошладилар ва душман янчиб ташладилар... Ибсол жангга қаттиқ киришиб, энг катта ва ҳавfli душманни тудаларининг улғу подшосини асир туширди. Кейин Бобилга юриш қилди. Ибсол Бобилни осонгина забт этди. Унинг барча казиналарини улжа олди. Ибсолнинг овозаси оламни тутди.

Ниҳоят, Ибсол акаси қошига қайтиб келди. Келса, янғаси ҳали ҳам макру-хийласи билан машғул экан. У энди Ибсолни руйирост алдаш пайтга тушди. қўлидан ҳеч нарса келмагач, ошпаз билан дастерини чақириб, уларга «Энди ҳинд сунбули дорисидан ёки қўқимтир асалдан бир амаллаб



Ибсолга ичирасиз,» — деб буюрди. Ошпаз билан дастер унинг буйруғини бажо келтирдилар. Улар Ибсолга заҳарли дорини ҳатто керағидан оргикроқ ичириб юборишди.

Бу иш сабр булоғидан қонган кишиларни ҳам мусибатга туширди. Бундан ерлар титради, ундаги ҳар бир жон эгаси Ибсолнинг ҳалок булишига ачиниб, хотинга газаби келди. Ҳатто, Ибсолнинг қиличи билан эгалланган юртлардаги одамлар ҳам ҳасрат чекиб, хотиндан нафратландилар. Ростдан ҳам Ибсол ҳар бир инсон назарида яхши насабли, асилзода, илму-маърифатли зот эди.

Шундан сунг, акаси бутун қўлларни озод қилди. Уларни худди уз қариндош улғуларидек ҳисоблади...

Шундай қилиб, тангри Саломонга бир иш билан хотин макрини ошкор қилди: хотин, ошпаз, дастер қилган кирдикорлар маълум булиб қолди. Улар учалови зулм қилган кишига нисбатан қандай азобу-уқубатлар борлигини билмас эканлар

Улар укасига нима ичиришган булса, Саломон ҳам уларга шуни ичирди. Хотин, ошпаз, дастер учалови уша заҳотиеқ тил тормай улдилар.

Каримларнинг ҳовлиси катта анҳорнинг бўйида жойлашган, шу сабабли ёз пайтлари салқин ҳаво ҳовлини тутиб туради. Улар оилада беш

устига куйилган кўприкка чиқиб, чўмилмоқчи бўлди. Шу пайт кўзи анҳордан оқиб келаётган олачипор кичкина арқонга тушди. Бир пайт бу арқон эмас илон экан-

— Собир, Собир, тур илон оқиб келяпти.  
— Қуйсангчи, илон билан нима ишинг бор, қўйвермайсанми?  
— Кел, ушлаб оламиз, — деди Карим югура туриб.  
— Шошма, бошқа илон келиб ўчини олади.  
— Эй бўлмагур гапларни қуй, иримчи...

Карим эҳтиёткорлик билан бориб, илонни ушлаб олди. Қўлдан қутилишини истаган бечора илон бола-си типирчиларди. Карим эса уни думидан тутиб ерга урди. Илон қимирламай қолди. Аллақердан ола мушук пайдо бўлиб, ҳалиги илон мурдасини судраб кетди...

Кеч кирди. Оила бир жойга жамланди. Муҳаб-

# Онажоним табиат



бат опа пиширган ошни мазза қилиб ейишди.

Болалар дарс қилишга туришди. Шу пайт уйдан қаттиқ чинқирик овози эшитилди. Ҳамма уйга шошилиб кирди. Кроват ёнида Карим шифтга термулганча қотиб ётарди. Шифтда эса олачипор илон уймакор тўсин орқасига думини яшириб олмоқда эди...

**Ирода ТУРСУНБОЕВА,**  
Сўфизода номли 165-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

## ИЛОННИНГ ҚАСДИ

киши. Комил ака муҳандис, Муҳаббат опа болалар касалхонасида ҳамшира, Нозима 10-синфда, Карим 6-синфда, Илҳом 4-синфда ўқийди. Кичкина Дурдона эса боғчага қатнайди.

Воқеа ёз кунларидан бирида бўлиб ўтди. Кун иссиқ, ҳаво қайнайди. Шитир этган шамол йўқ. Ҳамма жонзот иссиқдан гўё талмовсирайди. Карим ҳар кунгидай анҳор



лигини билиб қолди. У сув оқимиға қараб югура бошлади. Наридан оёқларини сувга тикиб ўтирган Собиржонга кўзи тушди.

## ҲОҲ ИШОНИНГ, ҲОҲ ИШОНМАНГ

Икки қўлда юривчи одамлар ҳақида ўқиганмиз. Американинг Жорнилия штатида яшовчи Оскар Бредли эса икки кунлаб, бош ва курсаткич бармоқда таяниб юриш қобилиятига эга экан.

София яқинидаги Долни Багров қишлоғида яшовчи Стойпо Михайловнинг дала ҳовлисида шахсий ҳайвонот боғи бор. Боғида Хитойдан келтирилган тус

товуқларни, тўтиқуш, ёввойи ўрдаклар, лайлак, илонлар, калтакесаклар ва бошқа мавжудотларни қўриш мумкин.

— Қайси тилни ўрганиш осон? Инглизлар ўз она тилларини ўрганишлари учун 8 ой, испанлар эса 2-3 ой сарф қиларканлар. Японлар мактабни би-

тирганларидан сўнг ҳам япон тилини ўрганарканлар.

Венгрия почтаси чунтак телефони ишлаб чиқаришни режалаштирди. Катталиги чақмоққанддай булган радиоприёмник керакли жой билан боғланиш имконини беради.

**Тўпловчи: Шерзод АБДУАЗИМОВ, 273-лицей мактаб ўқувчиси.**




## Чўлоқ товўшқон

гида нимадир қимирлади. Мен тўхтадим-да, пастга энгашдим. Қарасам, товўшқон экан. Уни елкасидан ушлаб кўтардим ва отамнинг олдиларига олиб келдим. Отам унинг ҳамма томонини айлантириб кўрдилар.

Унинг чап оёғи синган эди. Уни уйга олиб келиб, ҳовлининг бир бурчагига уйча қўриб бердим. Товўшқонни қўшнимиз Туроб бобога кўрсатдим. Улар товўшқонни оёғига тахтакач қўйиб, боғлаб қўйдилар. У кун сайин тузаларди. Икки ҳафта ўтгач, уни яна Туроб бобога кўрсатдим. Унинг оёғи анча яхши бўлиб қолганди. Унга жуда ҳам ўрганиб қолгандим. Кейинчалик шу товўшқон наслидан қуёнчилик фермаси ташкил қилдик. Буни қарангки, икки йил деганда қуёнларим 26 тага кўпайди. Мактабдан бўш пайтларимизда синфдошларим билан уларни парваришлаймиз. Уйинларини томоша қиламиз. Улар билан ўйнашни жуда ҳам яхши кўраемиз. Агар вақтингиз бўлса, сиз ҳам томошага келинг!

**Мақсуджон БУХОРОВ,**  
Наманган вилояти,  
Косонсой шаҳридаги  
14-мактабнинг  
7-«Б»-синф  
ўқувчиси.



## Бўш ўтирди бош қотир

Азиз ўқувчилар! Шаклнинг эгри чиқиқлари йўналиши бўйича жойлашган ҳарфларни ўқиш билан машқни ҳал этинг. Ундан XI аср донишманд шоири «Қутадғу билик» («Саодат келтирувчи билим») нодир достони муаллифи Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб ҳикматлардан бири аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

**ТОНГ ЮЛДУЗИ**  
Муассислар:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ КўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»  
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

**ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:**  
Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора  
ЙУЛДОШЕВА, Хотам АБДУРА-  
АЙМОВ, Инқилоб ЮСУПОВА,  
Дадахон ЁҚУБОВ, Иноят  
АБДУСОАТОВА, Суннатилла  
КУЗИЕВ, Мукаррама МУ-  
РОДОВА, Феруза ОДИЛОВА.

«ЕШИҚТИСОДЧИ»  
ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:  
Музаффар ПИРМАТОВ,  
Равшан ҚАМБАРОВ,  
Маҳлиё МИРСОАТОВА,  
Гулнора МУҲАМЕДОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0498. 46.496 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 19.45. Навбатчи Озода ТУРСУНБОЕВА

• Руйхатдан ўтиш тартиби № 000137  
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.  
• Нашр курсаткичи: № 64563  
• Телефон:  
• 1-33-44-25  
• 1-36-57-91  
• 1-36-54-21